

O'zingni angla!



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
29-aprel
chorshanba
№ 17 (1495)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ hurriyatuz@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

МУНОСАБАТ

“ЯШИЛ” ТАҚДИРЛАР ТУТАШГАН НУҚТА:

ИҚЛИМ ИНҚИРОЗИГА ҚАРШИ МИНТАҚАВИЙ ҲАМЖИҲАТЛИК

Бугун инсоният тамаддуни мисли кўрилмаган синовлар қаршида турибди. Глобал иссиқ шунчаки илмий башорат эмас, балки ҳар биримизнинг кундалик ҳаётимизга, соғлигимиз ва иқтисодий фаровонлигимизга дахл қилаётган реал воқеликка айланди. Дунё океани сатҳининг кўтарилиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиши ва озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдидлар биздан тезкор, энг муҳими, тизимли ҳаракатларни талаб қилмоқда.

Яқинда Остона шаҳрида бўлиб ўтган Минтақавий экологик саммит ҳамда Оролни қўқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг йиғилишида ана шу таҳдидларга ҳамжиҳатликда курашиш бўйича минтақамизнинг кун тартиби белгилаб олинди, десак, муболага бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саммит минбаридан туриб энг оғриқли нўқтага эътибор қаратди. “Глобал иссиқ суръатларнинг тезлашиши давом этмоқда, Марказий Осиё минтақасида эса ҳарорат икки баробар тезроқ кўтарилмоқда. Минтақа музликларининг қарийб учдан бир қисми йўқолди, ёғингарчилик тартибининг беқарорлиги кузатишмоқда”, дея хавотир билдирди Президент.

8-6




ТАҚДИМОТ

“ЖУРНАЛИСТИКАГА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ДАВРИ”

Беруний АЛИМОВнинг шу номли китоби соҳага оид кўплаб саволларга жавоб беради

Бугунги дунё кечаги дунё эмас. Утмишда афсона, ривоят деб билинган нарсалар бугун кўз ўнгимизда ҳақиқатга айланмоқда. Ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида инсоният яратётган шундай мўъжизалар борки, уларнинг олдида баъзи ҳолларда одамзоднинг ҳам ақли, тафаккури лол қолаётгани қанчалик ғайритабиий бўлса, шу қадар табиий ҳолдек кўринади.



Ҳозирги замонда интернет ва роботлардан фойдаланиш оддий ҳолга айланиб бораётгани сир эмас. Жамиятнинг ҳар бир кўринишида, шу жумладан, журналистика соҳасида ҳам сунъий интеллект маҳсули бўлиши замонавий технологиялардан самарали фойдаланиши даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, Янги Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётида сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади. СИ технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда замонавий технологияларнинг жадал ривожланишини қўллаб-қувватлаш, сунъий интеллектни кенг жорий қилиш учун янада қулай шароитлар яратиш, бу йўналишга қўшимча инвестицияларни жалб қилиш мақсадида қатор ишлар белгилаб олинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда шу соҳани ривожлантиришга мўлжалланган қарори қабул қилинди.

3-6

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН



ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифини бажарувчи Шухрат Орипов ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот давомида оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, шунингдек, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишга қаратилган ислохотларни ОАВ орқали кенг жамоатчиликка етказиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида томонлар ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ўз аъзоларини жалб этган ҳолда оила ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат сиёсати ҳамда соҳада амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан видео, аудио ва бошқа турдаги медиаконтентлар тайёрлаш ишларини амалга оширади.

Шунингдек, томонлар мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва фаоллигини оширишга қаратилган ташаббусларни ҳам муҳокама қилди. Жумладан, хорижий аудитория учун миллий кадрларимизни тарғиб қилувчи журналистик материаллар тайёрлаш, “Олтин қалам”, “Атиргул” каби кўрик-танловлар ҳамда турли ижодий лойиҳалар орқали энг яхши материалларни аниқлаш ва рағбатлантириш юзасидан фикр алмашилди.

3-6

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

МЎЙНОҚ: УНУТИЛГАН ҲУДУДДАН ТАРАҚҚИЁТГАЧА



Булоқ сувидай тиниқ осмонда ўрқач-ўрқач оқ булутлар сузиб юрибди. Бир қарашда булутлар кўл этадиган даражада яқин кўринади. Тўрт томонимиз қуюқ тўқай. Уни катта йўл иккига бўлиб ўтган. Тўқайнинг адоғи кўринармикан дея қафимизни пешонага қўйиб, олисларга кўз тикамиз. Кунчиқардан кунботар қадар бирор белги, чегара кўринмайди. Кўсимизга ёқимли шабада урилади. Бу шунчаки шабада эмас, янги Ўзбекистон нафасини диёримиз бўйлаб тарқатаётган ҳаётбахш элқин!

Бундан 8-9 йил аввал ҳам биз келган ушбу манзил адоғи кўринмас саҳро бўлганига ишониб қийин. Лекин бу инкор этиб бўлмас ҳақиқат!

2-6

ЭССЕ

ЁНИҚ ЮРАК АЛАНГАСИ

тиббиёт фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси
Жуманазар БЕКНАЗАР сурати ва сийратига чизгилар

Жуманазар ёшлигида ғоят жўшқин ва хаёлпараст бола эди. У оламга ҳайрат билан боқар, бошқалар бемалол ёнидан бепарво ўтиб кетаверадиган нарса-ҳодисалар унга жуда қаттиқ таъсир қилиб, танг қолдирарди. Ута кузатувчан, қизиқувчан ва уқувли бола ҳамма нарсани билгиси, тушунгиси, қилгиси келарди. Жуманазар бўлалигидан улуғларга ҳавас қилиб, улардай бўлишга интилиб ўсди.

Иккинчи синфни тугаллаётганида бўлса керак, ўша давр “дохийлари”дан бирининг ҳамшиша идора олдида қимирламай турадиган ҳайкалин кўриб, унга ўхшаси келиб қолди. Кўп ўйлаб, ниҳоят, бир қарорга келди. Уйга келиб пой қориди, тандирнинг ёнбошидаги гуваладан телиб, ҳайкалга таглик қилди. Тайёргарликни авжи туш пайти тугатди. Май охиридаги “қизгалдоқ кўеши” жуда куйдирувчи бўлади. Жуманазар ўзи тайёрлаган баландгина постаментга чиқиб, дохийга ўхшаб ўнг қўлини олдинга узатганча қотиб турди. Катталар ишда, укалари боғчада бўлгани боис уйда: “Нима қилясан?” — дейдиган одам йўқ эди. Вақт ўтиб борар, чўл кўеши забтга олар. “Дохий”нинг юз-кўзидан шаррос тер қуйилар, узатилган қўли толиб, чидаб бўлмас даражада оғрир, лекин у ҳамон ҳолатини ўзгартирмай қотиб турарди. Чунки у ҳавас қилган дохий қопқоз идораси олдида неча вақтлардан буён қилт этмай турар, бошига кўнган кушларни ҳайдаш учун ҳам қўлини қимирлатмасди. Бир вақт амакиси нимадир излаб келиб қолди ва кун тигида жизганак бўлиб турган Жуманазардан: “Нимага бундайчикин турибсан?” — деб сўради. Ичи-ю тоши ёниб бораётган бола олдинга ҳайқал гапирса бўлармикан деб бирпас ўйланиб турди. Лекин амакининг жаҳли тезлигини, саволи жавобсиз қолса, “дохий” лигига қараб ўтирмай, ада-



бини бериб қўйиши мумкинлигини билгани учун ўзининг Ленин бўлмақчи эканини айтиб мингирлади. “Хе, сенда дохийдан ўргулдим!” — деди амаки ва ўзидан кетиб қолай деган “ҳайқал”ни тагликдан тортиб тушириб, сояга олди. Аммо анча вақт кўеши тигида туриб қолган болани иссиқ уриб бўлганди. Унинг териси шилиниб тушди ва бир неча кун мактабга бормай, қаттиққа беланиб ётишга тўғри келди.

Қўл урган ишига астойдил берилиш, юқори даражадаги максимализм Жуманазарни кейинчалик ҳам тарқ этмади.

5-6



МУЙНОҚ: УНУТИЛГАН ХУДУДдан ТАРАҚҚИЁТГАЧА

1-6. Ушанда мана бу тиниқ осмонни тез-тез чанг қоллар эди. Чунки шомол йўлини тўсидиган бирор тириклик топилмасди. Шу боис, иссиқ кунларда гармсел, ҳаво салқин ташлаганда изгириги забтига оларди. Оролнинг қуриган тубида ҳосил бўлган саҳро қўмлари туз аралаш ҳавога кўтарила эди. Кимсасиз кенгликда эса калтакесак, чўл чуқури каби санокли тирик жонни ҳисобга олмас, ҳаёт аломати сезилмасди.

Биз турган манзилдан 150-200 чақирим наридаги Мўйноқ тумани эса унутилган, қаровсиз ҳудуд эди. Унда умиди сўниб бораётган одамлар зўра кун кўрар, шу боис, аксарият ёшлар ўзи туғилиб ўсган уйини ташлаб, олис шаҳарларга кетиш орузида яшарди. Ана шундай бир вазиятда ҳаёт мароми бирдан ўзгарди. Инсонлар қалбига умид, саҳро қўмларига яшиллик уруғи сепилди. Яшириб нима қилдик, ўша пайтда бу ниҳоллар унишига шубҳа билан қараганлар ҳам бўлган. Ишончимизга сабаб эса эзгу амал бошида узокни кўра билладиган, стратегик режа асосида пухта иш олиб борадиган мамлакатимиз етакчиси турган эди. Қисқа вақтда ана шу фактор ўз кучини кўрсатиб, амалий ифода топди.



Салим ДОНИЙОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

ИЛК ТАШРИФДАН УНГАН ГУЛЛАР

Қорақалпоқ элида "Қадамнигиздан гул унсин" деган эзгу тиллақ бор. Ҳаёт ҳикмати шундаки, тиллақ эгасини тўғри топса, албатта, ижобат бўлади. Қорақалпоқ эли доим Президентимиз ташрифидан қувониб, шу тиллақни тақдорлар юради. Бугун ушбу эзгу ниятнинг ижобатини кўриб турибмиз.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентини сифатида биринчи ташрифини қорақалпоқ заминидан бошлаган эди. Ушбу ташриф қайсидадир маънода янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг амалий қисми бошланганидан далолат берарди. Албатта, ўша пайтда биз ислохотларнинг қанчалар кўп-ламдор эканини, қисқа вақтда ҳатто қақроқ саҳронини ҳам яшил майдонга айлантира оладиган даражада ҳаётбахш бўлишини тасаввур қила олганимиз йўқ. Оролнинг қуриган тубига экилган чўл ўсимликларини бориб кўрсангиз, янги Ўзбекистондаги ислохотлар ҳақидаги қарашларингиз янада жонланади. Инсон ҳалқини яхши кўриб, сўзи ва амал бирлиги ила ҳаракат қилса, саҳрога ҳам ҳаёт бахш этса олишига амин бўласиз.

Чунки Оролнинг қуриган туби яшил қоплама билан қамраб олиняпти, илк экилган ниҳоллар космосдан кўрина бошлади деб таърифлаш осон. Аммо йиллар давомида унутилган олис манзилга бориб одамларга умид бериш, шўрлаган тупроқда, сувсизликка чидамли бир донга бута ундириш... изиллаган саҳронинг жон олар иссиғи, суяк-суякча ўтиб кетадиган совуғига чидаб, қалин ўрмонга айлантириш, ҳатто айтишга ҳам осон эмас!

Бунга Қорақалпоғистон, хусусан, Оролнинг қуриган тубига қилган сафаримиз давомида бот-бот амин бўлдик.

Биз — "Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти вакиллари Оролнинг қуриган туби сари йўл олдик. Мақсадимиз илк экилган ниҳолларни ўз кўзимиз билан кўриш, Оролбўйи аҳолисининг қувончига сабаб бўлаётган ўзгаришлар билан танишиш эди.

Йўл-йўлакка ён-атрофга қараймиз. Баъзи жойларда қуёқ тўқай, гоҳо ҳар жой-ҳар жойдаги қум-тепалар устида икки-учта саксовул унган. Ана шу тепалиқларга қарата ҳамроҳимиз, газетамизнинг Қорақалпоғистондаги вакили Минажатдин Қўлтимуратов изоҳ беради: "Кўрдингизми, саксовуллар қанча кўмига "тошлаб" қолган!".

Уша томонга диққат билан қараймиз. Саксовул унган тепалиқ текис жойдан 1-1,5 метр баланд. Тепалиқларнинг ҳар бири тонналаб қумдан иборат. Қумтепаларини одам бўйи баробар бўлган икки-уч туп саксовул туби турибди. Яшил қоплама энди унган маҳалда бу манзил текис бўлган. Сўнг кўнчанчи қум шомол билан кўтарилганида янги унган саксовуллар илдизи кўмининг маълум қисмини сақлаб қолган. Шу сабаб паст-баланд тепалиқлар пайдо бўлган экан. Кейин яшил қоплама буй чўзиб, уруғи сочилиб, ўзидан кўпайган. Туз аралаш қўмлар кўчини кескин қамайган. Ана шу манзаранинг ўзиёқ бир туп яшил бутуқ тонналаб туз ва қум аралашмасини ерда сақлаб қолишини исботлайди. Бу Оролнинг қуриган туби учун яшил макон қанчалик аҳамият касб эттишидан далолат. Сафаримиздан бир кун аввал кўчили бурон бўлганига қарамай, осмон булоқ суви каби тиниқ эканининг асл сабаби ҳам шу.

СЎЗ ВА АМАЛ БИРЛИГИДАН ҚУВВАТ ОЛИБ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонни ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан тараққий эттириш масалаларини энг устувор вазифалардан этиб белгилаб берган. Айниқса, Мўйноқ ва Оролбўйи ҳудудини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келади.

2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида давлатимиз раҳ-

бари Орол муаммосига бутун дунё нигоҳини қаратганди. 2018 йилда эса Оролнинг қуриган қисмида экологик мувозанатни тиклаш, ҳудудда яшил қоплама барпо этиш ҳамда даракт кўчатларини экиш ташаббуси билан чиққан эди. Ушбу ташаббус билан глобал муаммо саналган Оролнинг қуришига қарши амалий иш бошланди. Утган даврда Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларидаги 2 миллион гектарда ўрмон-мелиорация ишлари ба-жарилди. Хусусан, 1,453 миллион гектарга авиация, 462 минг гектарга махсус техникалар ёрдамида чўл ўсимликларининг уруғлари, 85 минг гектар майдонга турли хил кўчатлар экилди. Натижада ҳудуднинг флора ва фаунаси қайта тикланмоқда.

Шу сўзларни ёзганман-у, кейинги йиллардаги ўзгаришларни ифодалаш учун сўз таърифи камдек. Чунки ҳар бир рақам ортда қанча меҳнат, мамлакат етакчисининг бир сония ҳам тиним билмай изланиши борлигини теран англаб турибмиз. Аммо шунга муносиб сўз, ифода топа олмай жим қоламиз. Ҳа, баъзан сўз қудрати ҳам инсон матонати, меҳнати олдига ожиз қолар экан. Шу онда шoirнинг куйидаги мисраси ёдга тушади:

Тақдирин қўл билан яратар инсон,
Ғойибдан келажак бахт — бир афсона.

Янги Ўзбекистондаги инсон қадрини учун бошланган янгилашлар бахтини кутиш эмас, ун бугун яратилишга қаратилган. Шу боис, ҳаққимиз бугундан рози, эртасидан кўнгли тўқ бўлиб яшамокда. Халқни рози қилиш, турли миллат ва эллатдан иборат жамиятни ягона Ватан атрофида бириктириш ҳақиқий етакчиларгагина хос фазилат.

Мамлакатимиз Лидерининг барча соҳалар каби экологияни асраш борасидаги ташаббуслари ҳам халқро майдонда чуқур ўрганилмоқда. Бошқа мамлакатлар ушбу тажрибаларни кенг жорий этишга уриняпти. Негаки, улар шунчаки ташаббуслар эмас, йиллар давомида тўпланган тажриба, ҳаётий ҳулосалар ва илмий изланишлар ҳосиласидир. Энг муҳими, халқимиз олдида фарзандлик бурчини ба-жаришга бўлган кучли иштиёқ, сўз ва амал бирлигининг ифодаси. Шу боис, янгилашлар "ислохот қилгинди" деган ном учун эмас, том маънода халқни рози қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлардир...

ЎШАНДА ЭКИЛГАН НИҲОЛЛАР ЎРМОНГА АЙЛаниБИДИ

Машинамиз тўқайга хос паст-баланд йўлда бир маромда кетиб борар эди. Олдимида йўл четида тизилиб турган икки-учта машина кўринди. Сўнг очиқ майдонда белқурак олиб, қопда нимадир сочиб юрган одамлар кўзга ташланди. Қизиқиш сабаб уларнинг ёнига тўхтадик. Тасодифини қаранг, улар Оролнинг қуриган тубида иқлим шароити, тупроқ унумдорлигига қараб, даракт ва бута турларини танлаб экидиган олимлар гуруҳи, соҳа маъсуллари экан. Табиийки, мақсади муштарак инсонлар сифатида тезда тил топишди. Улар сўхбат чоғида жуда қизик, муҳим аҳамиятга эга маълумотларни айтиб берди.

— Оролни яшил маконга айлантириш фақат кўчат экиш, уруғ сепишдан иборат эмас, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги агентлиги раҳбари Ойбек Аминов. — Ишларни инновация ва илмий ёндашув асосида ташкил этишга жиддий эътибор беряёмиз. Давлатимиз раҳбари олдимизга мана шундай муҳим вазифа қўйган. Олимлар билан ҳамкорликда уруғларни махсус грануллаш ва капсуллаш орқали экиш амалиётини синовдан ўтказаямиз. Капсула деганимиз — зарур минерал ўғитлар йиғиндиси. Илмий асосда неча кило уруғга қайси ўғитдан қанча қўшиш керак экани ишлаб чиқилган. Шунга кўра, минераллар қорши-

маси ва уруғлар аралаштирилади ва юмалоқ ҳолатга келтирилади. Капсула намликни яхши сақлайди. Оғирлиги сабаб шомолда учиб кетмайди. Самолётда сепилса ҳам мўлжалланган ерга аниқ тушади. Шу тариқа капсула чўл шароитида ўсимликларнинг унвчанлик даражасини кескин оширади. Ҳозир бошқа жойларга нисбатан тупроғи кўпроқ шўрланган, тузли қум аралаш ерда тажриба учун уруғ қадаёмиз. Мақсадимиз энг мураккаб шароитда ҳам яшил қоплама яратишда самарадорликка эришиш.

Ойбек Аминовнинг сўзларини тинглар эканмиз, Президентимизнинг ислохотларнинг илк кунларидеяқ китобхонлик тарғиботида алоҳида эътибор бергани ёдимизга тушди. Сўнг мамлакатимиз етакчисининг "Маданият Мўйноқдан бошланади" деган сўзини эсладик. Бугун бу сўз замирида катта ҳаётий ҳақиқатларни, улғувор мақсадлар рўёбини кўриб турибмиз. Оролбўйи ҳудуди кейинги йилларда ҳам ижтимоий, ҳам маданий, ҳам иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси тубдан яхшилانгани фикримиз баёнидир.

Бугунги ислохотлар китоб, билим ва маърифат билан янада мустаҳкамланиб борапти. Яшил қопламани яратишдаги илмий изланишлар фикримизнинг яққол мисолидир. Тажриба майдонида олимлар билан суҳбатимиз қизгин кечди. Вақт ҳужимига бўйсуниб, йўлда давом этдик. Энди Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги агентлиги раҳбари Ойбек Аминов бизга ҳамроҳлик қилиб, илк ниҳоллар қадаланган манзил сари бошлади.

Очиги, 2018-2019 йилларда экилган саксовул, юлғун каби ўсимликларни кўриб, ҳақиқий ўрмонга этиб келганимизни англадик. Ўрмон оралаб юлғунларга бўйлаб кўрамиз. Уларнинг аксарияти одам бўйидан анча баланд. Оёғимиз остида эса сон-саноксиз чиганоклар! Қадам босишингиз ҳамон улар ўзига хос овоз чиқариб, кумга чуқур ботади. Ахир бир пайтлар бу ерда денгиз, 50-60 метр чуқурликда сув бўлган.

Катта-кичик кемалар сузиб юрадиган денгиз соҳилида балиқчилик хўжалиқлари фаолият олиб бор-



ишларини кўридик. Бунинг оқибатида глобал иқлим муаммоси юза келгани ҳақида тақдорлашимиз шарт эмас. Ўша пайтларда бу ер саҳрога айланган, тепадан қараган киши бетоблик рамзи бўлган сарғиш рангини кўрар эди. Мамлакатимиз Лидерининг ҳаётбахш ташаббуси сабаб ҳозир бу майдон яшил тусда бўлжақ аққол ташланади. Сафар чоғида шунга амин кўлдикки, кейинги йилларда амалга оширилган ишлар экологик муаммони юмшатиш ва унга қарши курашишда катта самара бермоқда. Бу ерда янги экотизим яралиб, ҳайвонот дунёси пайдо бўляпти. Сафар чоғида тулки ва қўнларнинг югуриб юрганини кўрдик. Қаердандир сайроқи қушининг хониши эшитилди. Ҳатто бу ерда кийиклар ҳам бор экан. Мутахассислар, хусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси вакиллари таъкидлашчи, ҳудудда яшиллик пайдо бўлган, қум ва туз бўронлари 50 фоизгача қамайган. Бу жуда катта натижа. Масалан, қўшни мамлакатларда бундай бўронлар ҳалигача тез-тез кузатилади. Яқинда ҳам улар ана шундай бўронларнинг бирини бошдан кечирди.

— Ҳозир Оролнинг суви қуриган ўзанида турибмиз, — дейди Мўйноқ давлат ўрмон хўжалиги раҳбари Алишер Бекмуродов. — Бу ерларда 2018 йилдан янги ҳаёт бошланди деб бемалол айта оламиз. Ҳудудга чўл шароитига чидамли ўсимлик турлари экилди. Бута ва ўсимликлар пайдо бўлиши билан шу ердаги ёввойи ҳайвонот дунёси учун ҳам янги ҳаёт бошланди.

Бундан ташқари, Президентимиз ташаббуси билан беш-олти жойда тик қудуқлар қазилди. Ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар — ҳаммаси шу ердан сув ичади. Айтиш мумкинки, ҳудудда ҳаёт янги босқичга ўтди. Яхшилаб қузатсангиз, юлғун ва саксовуллар орасида озикланиб юрган қуён ва бошқа турли ҳайвонлар учратасиз. Ҳозир уларнинг кўпайиш даври.

Биласизми, бу жойлар яқин йилларга қадар бошадиги йўқ оппоқ қум эди. Шомол қўми у ёқдан-бу ёққа кўчириб, улкан барханлар пайдо қиларди. Илгари мана шу чўлларда яна ўсимликлар ўсади, ҳайвонлар қайтиб келади деса, биров ишонмасди. Мана, ҳозир кўз ўнгимизда бу реалликка айланди. Устига-устак, мазкур ҳудудда ов қилиш қатъиян тақиқланган. Шу сабаб ҳайвонлар популяцияси жуда яхши. Ҳаммаси шундай давом этса, беш-ўн йилдан кейин бу ер улкан кўриқхонага айланиб кетиши ҳеч гапмас.

Мутахассислар таъкидлашчи, кейинчалик бу ерда фақат чўлга чидамли буталар эмас, бошқа ўсимлик турларини ҳам экиб, катта яйловга айлантиса бўлар экан. Шу орқали чорвачилик, асаларчилик каби бошқа тармоқларни ривожлантириш имконияти бор. Масалан, юлғун май ойининг бошида гуллади. Мазкур ҳудудда янтоқ ҳам кўп экан. Демак, асал олиш учун етарли шароит мавжуд. Бу иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш учун яхши имконият. Қаранг, узокни кўзлаб, пухта режа асосида бажарилган ишнинг самараси ва кўлами қанчалик кен!

Бу йил қиш ва баҳор баракали келди. Бундай пайтда ерда намлик яхши бўлади. Ана шундай ғанимат фурсатдан унумли фойдаланиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

— Ердаги намлик яхши экани боис, жорий йилда яна 230 минг гектар майдонга уруғ қадалди, — дейди Ойбек Аминов. — Жараёнда 700 дан зиёд махсус техника ва механизмлардан, шунингдек, бориш қийин бўлган ҳудудларга уруғ сочиш учун иккита самолётдан унумли фойдаланилди. Намликни сақлаш ҳамда кўчиб юрувчи қўмларни тўхтатиш мақсадида ўзига хос агротехник усуллар қўлланилиб, махсус жўяқлар тортилди. Бу жойларга асосан шўр ҳамда қурғоқчиликка чидамли бўлган қорабароқ, юлғун, сарсазан, қандим, черкез ҳамда изон каби ўсимликлар экилмоқда. Олдимида турган асосий стратегик мақсадлардан бири — 2030 йилга қадар мазкур ҳудудда яна 1 миллион гектардан зиёд майдонда яшил қопламаларни барпо этишдир. Бу

борада махсус саксовул кўчатларининг фаолияти тобора кенгайтирилиши керак.

БАРАКА ВА УНУМДОРЛИК СИРИ ШУКРОНАЛИКДА, МАРДЛИКДА

Мўйноқ мамлакатимизнинг энг шимолӣ ҳудуди. Ундаги ҳаёт мароми, юрак уриши Орол денгизи билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, Оролнинг қуриган тубидаги яшиллик бўйи чўзишига ҳамоҳанг равишда мўйноқликлар қалбига ҳам умид, ишонч мустаҳкамланди. Аниқ рақамларга эътибор берсак. Утган 2025 йилда туманда саноят маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 621,1 миллиард сўмни ташкил этган. Ушш суръати 121,4 фоизга этиб, республикадаги улуши 2,1 фоизни ташкил қилган.

Илгари мўйноқликлар оғир турмуш шароитида яшаган. Одамлар ҳатто кундалик эҳтиёжларини қондиришда қийналган, болалар учун мактаб формаси ва ўқув қуролларини сотиб олишга ҳам имкони бўлмаган. Ёши улғу инсонлардан бири бу ҳақда сўзлаб, кўз ёши билан ўтмишни эслади. Эски сандиқларда сақланган кийимлардан фойдаланишга, ёзув қуролларини қайта-қайта ишлатишга мажбур бўлганликларини айтди. Ана шундай оғир вазиятда қолган туман аҳли бугун экспорт, инвестиция лойиҳалари ҳақида баҳс юритади, уни яна қай йўсин кўпайтириш борасида фикр алмашяпти. Биргина мисол, 2025 йилда Мўйноқда жами 172 миллиард сўмлик 10 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилган. Натижада 195 та янги иш ўрни яратилган. Яна бир муҳим факт. Утган йил давомида хоржий инвестициялар ва кредит маблағлари ҳисобидан жами 5,1 миллион долларлик инвестициялар ушлаштирилган. Бажарилган ишлар натижасида камбағаллик даражаси 5,5 фоиздан 2,7 фоизга туширилган.

Агар қиёслаш жоиз бўлса, бундан 10 йил аввал туман иқтисоди Оролнинг қуриган туби каби "саҳро"га айланганди. Бугун у қайтадан жонланмоқда. Шунга муносиб тарзда аҳолининг яшаш шароити йил сайин яхшиланиб борапти. Қанчалик мураккаб бўлмасин, Мўйноқнинг мард ва танти аҳолиси синовлардан мардона ўта олди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йилда Мўйноқ туманига ташрифий чоғида: "Орол фожиясидан энг кўп зарар кўрган асли шу — Мўйноқ аҳолиси. Уларнинг сабр-қаноати, ватанпарварлиги, меҳнатқилиғи учун раҳмат айтишимиз, шунга муносиб хизмат қилишимиз керак", деган эди.

Сафар чоғида Мўйноққа бориб, сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар билан танишар эканмиз, мамлакатимиз етакчисининг илк ташрифий чоғида айтган фикрлари ҳаётда ўз аксини топганига кўп бора ғувоқ бўлдик. Мард ва танти мўйноқликлар билан сўхбатлашдик, уларнинг кўзларида келажик дард ва бугунги умидни кўрдик. Орол денгизи қуриши натижасида ҳавога кўтарилган туз ва чанг нафақат табиятни, балки инсон саломатлигини ҳам издан чиқарган эди. Оқибатда онкологик ва бошқа оғир касалликлар кўпайиб, аҳоли орасида хавотир ва тушуқлик кайфияти ҳужум сура бошлаган.

Сўнгги йиллардаги кенг қўламли ислохотлар Мўйноқ аҳлига умид ва ишонч берди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Орол тубида яшил қопламалар барпо этилиши, туман инфратузилмасининг янгилашиши, ижтимоий соҳадаги ислохотлар ҳудуд ҳаётини тубдан ўзгартирди. Маҳаллий аҳоли таъбири билан айтганда, "ҳаёт бу ерда қайта туғилди".

Тангликни қарангки, туман аҳли ушбу имкониятларга шукрона айтиб, ҳалол меҳнат ила рўзгор тебратмоқда. Сафаримиз давомида Мўйноқ тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосар Мурод Жумабоев жуда қизиқ фактни айтди.

Оролбўйи аҳолисининг ижтимоий шароитини яхшилаш, доимий даромад манбаларини яратиш борасида ҳам қатор амалий ишлар олиб бориляпти экан. Хусусан, Орол денгизида сақланиб қолган ягона ноёб жонивор — артемия цистаси саноятини ривожлантириш мақсадида махсус давлат унитар корхонаси ташкил этилган. Бугун маҳаллий аҳоли ушбу қимматбаҳо уруғни йиғиб топшириш орқали ўзлари учун қўшимча даромад топяпти.

Артемия цистаси маълум мавсумда денгизда сузиб, қирғоқ сари оқиб келади. Соҳилда уларни тутиш илҳинида мўйноқликлар қатор тизилади. Ҳамма белгиланган жойда туради. Ҳеч ким бошқалар чегарасини бузиб ўтмайди. Артемия цистаси кимнинг рўпарасига оқиб келса, ўша киши унга эгалик қилади. Бошқалар эса жим қараб тураверади. Тасаввур қилиясизми, рўпарангизда қилоси фалон сўм турадиган маҳсулот оқиб келаяпти. Аммо у кимдир чиққан бир қадам нарида экани боис, эгалик қила олмайсиз. Кун давомида бу ҳолат ўн, юз марта такрорланса ҳам денгиз тортиқ этган насиба рози бўлиб уйга қайтасиз. Оҳ, бу мардлик, тангликни қанчалик таърифламанг, сўз етмайди!

Жамоамиз бир-бирига маъноли қарайди. Ҳар ким ўзича бундан ҳикमत излайди. Ана шу ҳикматнинг барчаси битта ўқилдизга биришади, назаримда. Бу — мардлик, берилган ризққа шукроналик ҳисси. Мўйноқнинг баракаси, бошланган ишларнинг тез ривож топиб, шўрлаган саҳросида ҳам яшиллик униб кетаверишининг сирларидан бири шунда бўлса, не ажаб?!

САФАРДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Баъзан узок сафарлар кишига йиллар давомида шаклланган қарашларни янгилайдиган теран ҳулосаларни ҳаёт этади. Сафаримиз якунланиб, орта қайтар эканмиз, яна қўққа кўз тикамиз. Осмон булоқ сувидан ҳам тиникроқ кўринади. Негадир "Осмон — ойна" деган ибора фикр-ёдимни банд этади. У вақти-вақти билан бизга ўзимиз бажарган ишлар, асл қиёфамизни кўрсатиб туради. Шундай ўйлар оғушида кетар эканмиз, ундаги оппоқ булутлар кўзимизга қирғоққа уриляётган денгиз тўлқинини эслади. Мовий кенглик эса сокин чайқалаётган денгизни ёдга солади. Буларнинг барчаси жам бўлиб янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг осмон ойинасидаги тасвирдай таассурот уйғотади. Аслида ҳам шундай, назаримда.

Тошкентга қайганимизда эса Президентимиз Минтақавий экологик саммит ва Оролни кўтқариш халқро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг йилгилашда иштирок этиш учун Қозғистонга амалий ташриф билан бориши ҳақидаги хабарлар тарқала бошлади. Ана шу хабарларга пайваста ҳолатда дилда бир эзгу тиллақ туғилди: Оролнинг мовий осмони бутун дунёга ёйилиб, экологик масалалар барҳам топсин. Инсонлар қалби ҳам ана шундай тиниқлашиб, кўнглиларга умид ва ишонч бағишляётган, ҳаётимизни тубдан ўзгартириб, инсон қадрини учун қилинаётган эзгу ва тарихий бебаҳо саъй-ҳаракатлар доимо бардавом бўлсин!

"Янги Ўзбекистон" газетасининг 2026 йил 22 апрель сонидан олинди.

“ЖУРНАЛИСТИКАГА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ДАВРИ”

Беруний АЛИМОВнинг шу номли китоби соҳага оид кўплаб саволларга жавоб беради

1-6

Демак, сунъий интеллект имкониятларидан ўз ўрнида фойдаланиш ҳар томонлама ривожланишнинг муҳим имкониятларидан бирига айланмоқда. Бу борада кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам катта аҳамиятга эга.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва “Ёшлар овози” газетаси тахририяти ҳамкорлигида таниқли ижодкор, филология фанлари доктори (DSc), доцент Беруний Алимовнинг “Журналистикада сунъий интеллект даври” деб номланган китоби тақдими бўлиб ўтди. Ёшлар ишлари агентлиги пресс-клубида ташкил этилган мазкур анжуманда дастлаб Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раҳбари Шухрат Орипов сўзга чиқди. У мазкур китобнинг аҳамияти, бугун оммавий ахборот воситаларида, журналистикада СИ имкониятларидан фойдаланиш қулайликлари ва ўзига хос жиҳатлари хусусида атрафлича фикр юритди. Муаллифнинг мазкур китоби ҳар томонлама пишиқ, пухта тайёрлангани, айниқса, бўлажак журналистлар учун катта дастур, қўлланма вазифасини ўтай олиши муҳим эканлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, сиёсий фанлар доктори Шерзодхон Қудратхўжа, таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмухаммад, филология фанлари доктори, профессор Амрилло Каримов, педагогика фанлари доктори, профессор Файзулла Мўминов, “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим Дониёров, Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бош директори Умида Тешабоева, таниқли тележурналист Ҳамза Жумаев сингари зиёлилар мазкур китобнинг ўрни, СИ имкониятларидан журналистикада фойдаланиш истиқболлари, қулайликлари ва чегаралари

хусусида ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

Мазкур китоб муаллифи Б.Алимов ушбу излашни маҳсулини яратишдаги меҳнати, тажрибалари ҳақида сўзлаб берди. Муаллиф фикрича, сунъий интеллект оддий технология янгилик сифатида эмас, балки журналистика моҳиятини ўзгартираётган омил сифатида кўриб чиқиш мумкин. Яъни китобда ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш жараёнларидаги трансформациялар босқичма-босқич таҳлил қилинган. Технология имкониятлар қандай қилиб журналистнинг кундалик ишига кириб бораётгани ва бу жараёнда сабабнинг ўзи қандай ўзгараётганини очиб беради.

Тақдирот давомида соҳа вакиллари бугунги медиа маконидаги асосий муаммолардан бирига эътибор қаратди: хусусан, тезкорлик ортидан қувиш сифати ва ишончлилик масаласини иккинчи даражага суриб қўйиши мумкин. Шу нуқтаи назардан сунъий интеллект икки томонлама баҳоланди. Бир томондан, у катта ҳажмдаги маълумотни тез таҳлил қилиш имконини берса, иккинчи томондан эса, нотўғри ёки текширилмаган ахборот тарқалиш хавфини ҳам оширади.

Китобда айнан шу қарама-қаршилик марказий ўринни эгаллайди. Унда сунъий интеллект ёрдамида яратилаётган контент, автоматлаштирилган янгиликлар, алгоритмлар орқали шаклланаётган ахборот оқими каби масалалар кенг ёритилган. Шу билан бирга, муаллиф бу жараёнлар ортда пайдо бўлаётган янги саволларни ҳам очиқ қолдирмайди: муаллифлик ҳуқуқи кимга тегишли, ахборотнинг асл манбаси қандай аниқланади, журналистнинг роли қанчалик ўзгаради?

Тақдирот маросимида яна бир жиҳат алоҳида қайд этилди: бугунги кунда журналист учун асосий устунлик фақат ёзиш ёки ахборот топшиш эмас, балки технологиялар билан ишлаш олиш кўникмасига бог-

лиқ бўлиб бормоқда. Яъни сунъий интеллект билан ва ундан тўғри фойдалана олган мутахассислар янги медиа муҳитига тезроқ мослашмоқда.

Тақдиротда китобнинг амалий аҳамияти ҳам кенг муҳокама қилинди. Мутахассислар уни журналистика соҳаси учун йўналиш берувчи манба сифатида баҳолаб, айниқса, ёшлар учун муҳимлигини таъкидлади. Чунки бугунги талаба эртанги журналист сифатида нафақат анъанавий билимларга, балки замонавий технологияларни тушунишга ҳам эга бўлиши керак.

Учрашув давомида иштирокчилар томонидан берилган саволлар сунъий интеллектнинг реал қўлланилиши, унинг чегаралари ва келажақдаги ўрни ҳақида бўлди. Бу эса мавзунинг нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам қизиқлиқ уйғотаётганини кўрсатди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур китоб Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва “Ёшлар овози” газетаси тахририяти ҳамкорлигида тайёрланган. Уни оммавий ахборот воситалари тахририятлари ва журналистика йўналишидаги олий таълим муассасаларига етказиш режалаштирилган. Бу эса китобнинг фақат муҳокама даражасида қолмай, амалий қўлланилишини ҳам таъминлашни кўрсатади.

Мутахассислар фикрича, журналистика бугун янги даврга кириб бораётган. Бу даврда устунлик ахборотни биринчи бўлиб етказишда эмас, балки уни тўғри, ишончли ва масъулият билан талқин қила олишда намоён бўлади. Сунъий интеллект эса бу жараёнда восита сифатида қолади. Ҳал қилувчи омил эса барибир инсоннинг фикрлаши ва ёндашуви бўлади.

Мухаммадсодиқ ТўРАЕВ,
“Hurriyat” мухбири.

ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ



1-6

Қўмита тизими ходимлари ва хотин-қизларнинг ОАВ билан ишлаш кўникмаларини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ҳамда давра суҳбатларини ташкил этиш, оила ва хотин-қизлар ҳаётига оид ахборотларни таҳлил қилиш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга келиши олинди.

Мазкур меморандум оила ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат сиёсатини кенг тарғиб қилиш, жамиятда ижтимоий фаолликни ошириш ҳамда ахборот маконида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

ҚАШҚАДАРЁДА МЕДИАҲАФТАЛИК ЯКУНЛАНДИ

Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази, Журналистлар уюшмаси ва Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида мамлакатимиз бўйлаб ташкил этиб келинаётган медиаҳафталикнинг навбатдаги манзили Қашқадарё вилояти бўлди.



Беш кун давом этган медиаҳафталик 900 га яқин иштирокчини — ОАВ вакиллари, журналистлар, блогерлар, “SMM” мутахассислари ҳамда мобилографларни бирлаштирди. Бу эса соҳа вакиллари учун ўзаро тажриба алмашиш ва янги билимларни эгаллашда муҳим майдонга айланди.

“Медиаҳафталик” доирасида иштирокчилар контент яратишда сунъий интеллектдан фойдаланиш, фейк хабарларни аниқлаш ҳамда замонавий медиа трендлар бўйича назарий билимлари ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлади.

Мазкур лойиҳа ҳафта давомида соҳа вакиллари учун йилнинг энг йирик ва муҳим воқеаларидан бири бўлди. Профессонал ривожланиш, ғоялар алмашинуви ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратди.

ҚАРШИДА ЖУРНАЛИСТЛАР КЕНГАШДИ



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлимининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. “Журналистлар уйи”да ташкил этилган тадбирда дастлаб ҳудудий бўлимининг 2021–2025 йиллардаги фаолияти юзасидан ҳисобот тингланди. Унда сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ҳамда мавжуд муаммолар атрафлича таҳлил қилинди.

Йиғилиш давомида Уюшма вилоят бўлими тафтиш комиссияси раиси Зиёдулла Халиловнинг ҳисобот даври учун молиявий ҳисоботи ҳам эшитилди. Тадбирда сўзга чиққанлар ўтган йилларда амалга оширилган ишлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар бўйича таклифларини беришди.

Шунингдек, йиғилишда тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг навбатдаги конференциясига делегатлар сайланди. Бундан ташқари, Уюшма вилоят бўлимининг 2026–2030 йилларга мўлжалланган “Йул харитаси” тасдиқланди ҳамда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

ТАДҚИҚОТ

СУНЪИЙ ИДРОК ВА ЗАМОНАВИЙ МАТБУОТ: ТАЖРИБА ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Ахборот инқилоби XXI асрнинг энг муҳим геосиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисаларидан бири сифатида инсоният ҳаётининг барча жабҳаларини тубдан ўзгартирмоқда. Ҳатто анъанавий матбуот бугунги рақамли экотизимда ўз ўрнини сақлаб қолиш учун СИ билан интеграциялашувга мажбур бўлмоқда.

Матн асосидаги таҳлилий ва изчил ёндашувлар автоматлаштирилаётгани матбуот тахририятларининг иш услубини янгиламоқда. Жумладан, маълумотлар таҳлилий ва предиктив журналистика йўналишини олайлик. “Big Data” технологияларидан фойдаланган ҳолда СИ юз минглаб саҳифаларни бир неча сонияда таҳлил қилиб, аудитория учун долзарб мавзуларни аниқлайди. Шу ўринда предиктив журналистика (ёки башорат журналистикаси) ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсак. Журналистиканинг бу тармоғи сунъий интеллект ва маълумотлар таҳлиliga асосланган янги йўналиш бўлиб, ўтган воқеалар ва ҳозирги тенденциялар асосида келажақдаги эҳтимолий ҳолатларни сунъий интеллект даври олдиндан айтиб беришга хизмат қилади. Унинг асосий хусусиятларига эътибор беринг.

Маълумотлар таҳлиliga таянади. “AI”, “big data”, алгоритмлар ва статистик моделлар ёрдамида прогнозлар беради.

Фактга асосланган башорат. Тахминлар ҳис-тўғуллар ёки мулоҳазаларига эътибор берилмай, факт ва реал вақт маълумотларига ҳам асосланади.

Жамоатчиликни огоҳ қилиш. Яқинлашаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ёки экологик инқирозлар ҳақида олдиндан хабар беради.

Чуқур таҳлил ва модель куриш. Воқеалар ривожининг эҳтимолий сценарийлари тасвирланади.

Мисол учун, АҚШда “The Washington Post” ёки “ProPublica” маълумотларига таянган ҳолда сайлов натижаларини олдиндан таҳлил қилган. Буюк Британияда “BBC” миграция оқими ва иқлим ўзгаришининг таъсири бўйича предиктив материаллар тайёрлаб келади.

Ўзбекистонда бу йўналиш энди шаклланимоқда. Айтайлик, ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилин-



ган мавзулар асосида сиёсий-ижтимоий тенденциялар ҳақида прогноз берилиши мумкин. Замонавий журналистиканинг бундай функцияси қарор қабул қилувчи (раҳбар)лар учун ниҳоятда фойдали. Шу билан бирга, у журналистикани долзарблаштиради, ижтимоий онг ва муҳокамани фаоллаштиради. Аммо унутмаслик лозимки, бундай башоратлар ҳақиқатдан йироқ бўлиши, манипуляцияга йўл очилиши, ахборот хавфсизлиги ва маълумотлар махфийлигига путур етказиши мумкин.

Матбуот учун автоматик контент яратиш тизимлари тез ривожланипти. “Associated Press” (“AP”) агентлиги ҳар йили 3000 дан ортиқ молиявий ҳисоботларни “Wordsmith” дастури орқали матнга айлантиради. Бу — инсон омиладан ҳоли, лекин аниқ ва тез ишлайдиган контент ишлаб чиқариш моделидир.

Персонализацияланган, яъни ҳар бир ўқувчининг қизиқишига мосланган контент ишлаб чиқиш масаласи ҳам бугунги журналистиканинг олдида турган муҳим масалалардан. Эътиборлиси, бундай тажриба аллақачон амалиётда синаб кўрилди. “The Washington Post”нинг “Heliograf” платформаси фойдаланувчининг қизиқishi доирасини аниқлаб, унга мос контентни шакллантиради. Бу ўқувчига

мослаштирилган журналистикани ҳаётга таътиб этишда илк қадамдир. Таҳлилларга кўра, 2016 йилнинг ўзида “Heliograf” ёрдамида 850 дан ортиқ мақола ёзилган.

Матбуотда “faktcheking” ва дезинформацияга қарши кураш масаласи ҳам ҳар қачонгидан муҳим. Снинг асосий ижтимоий вазифалардан бири — ёлгон хабарларни аниқлашда фаол иштирок этиш. Британиядаги “Full Fact” ва АҚШдаги “ClaimReview” каби платформалар реал вақт режимда сиёсий ва ижтимоий баёнотларнинг фактологик аниқлигини текширади.

Замонавий матбуот қайси жиҳатлари билан сунъий интеллект технологияларига уйғунлашаётгани ёки шунга мойиллиги жуда муҳим жиҳатлардир. Келинг, уларни кўриб чиқамиз.

Матнга асосланган контент. Матбуотда асосий ахборот шакли матн бўлгани сабабли “Natural Language Processing” (“NLP”) технологиялари соҳада энг самарали ишлайди. Яъни матни таҳлил қилади, сарлавҳалар яратади, калит сўзлар танлайди ва мақолага қисқача аннотация тайёрлайди.

мақдир. Узоқ муддатли таҳлил, ретроспектив мониторинг ва сўз таҳлилий айна матбуот архивлари орқали амалга оширилади.

Соҳада таҳрир ва этик чекловлар масаласи. Матбуот анъанавий этик меъёрларга содиқлигини сақлаган ҳолда, СИни айнан шу қондаларга мослаштирган ҳолда қўллаб кўрилади. Алгоритмлар журналистнинг ўзини босмайди, балки уни тўлдирди. Тахририятлар учун СИ бир восита, лекин журналистиканинг моҳиятини белгилувчи эмас.

Умуман, жаҳонда СИ ва матбуот интеграцияси қандай кечмоқда? Мамлакатлар матбуотида СИ технологияларининг интеграцияси уларнинг иқтисодий, маданий ва сиёсий шароитларига қараб фарқланади. Айтайлик, “BBC” ва “The Guardian” “Juicer” платформаси орқали янгиликларни автоматик тоифалаш ва таҳлил қилишни йўлга қўйган. “Full Fact” эса реал вақт режимда фактчекнинг қилади. Бу орқали сиёсий чиқишлар ва ижтимоий баёнотлар аниқ ва тез текширилади.

Германияда “Spiegel” ва “Die Zeit” ўқувчилар хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш орқали контентни мослаштиради. “Deutsche Welle” эса журналистларга СИ билан ишлаш этикаси бўйича тренинглар ўтказди.

АҚШда “The New York Times” СИни реклама ва мақола тарғиботида фаол қўлламоқда. “ProPublica” эса катта ҳажмдаги ҳужжатларни СИ орқали таҳлил қилиб, суриштирув журналистикасини илгари сурмоқда.

Ҳиндистонда “Times of India” ва “Dainik Bhaskar” тахририятлари СИ ёрдамида минтақавий тилларда мақолалар ёзишни, таржима ва график визуализацияни йўлга қўйди. Масалан, Ҳиндистонда сайлов натижалари графикалар билан тезкор тақдим этилган.

Демак, СИ замонавий матбуотни соддалаштирмайди. Аксинча, унинг контентини чуқурлаштиради ва кенгайтиради. Ахборот оқимини тезкор бошқариш, факт ишончилигини ошириш ва аудитория билан интерактив мулоқоти таъминлашда СИ журналистиканинг муҳим воситасига айланади.

“Журналистикада сунъий интеллект даври” китобидан.

СИЙРАТ

1. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг атоқли адиб, улуғ ёзувчи Одил Ёқубовдан кейинги бош муҳаррири Аҳмадjon Мелибоев етмиш ёшга тўлибди.

Профессор Лаиз Қайумов раҳбар бўлган "Ўзбекистон маданияти" газетаси ўрнида ташкил этилган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" номи янги ҳафталик нашрни ўзбек зиёлилари катта қувонч ва ҳаяжон билан қутиб олган эдилар.

Даставвал Асқад Мухтор бош муҳаррир бўлган бу газета — Одил Ёқубов раҳбар бўлиб келгандан сўнг Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари орасида энг нуфузли ўринлардан бирини эгаллади.

Уни нафақат зиёлилар, балки бутун ўзбек халқи севиб ўқиб бошлади. Унда чоп этилган мақола ва матнларда жамиятнинг энг оғрик ва азобли муаммолари дадил қаламга олинар ва токи адолат қарор топмагунча газета ҳам сира тинчимас эди...

2. ...Ростов-Дон шаҳрида ўтган бир ярим йиллик ҳарбий хизматим якунига етиб, баҳор ойида захирага бўшатилганимдан сўнг Ўзбекистонга эмас, балки Михаил Шолоховнинг она юрти — Вешенская станицага борган эдим.

"Ўзбекистон санъати" журнали бош муҳаррири, ёзувчи Нурали Қобул ташаббуси билан таниқли ўзбек журналисти Анвар Жўрабоев Дон казаклари юртига бориб, машур рус ёзувчиси Михаил Шолохов билан учрашиб, унга зарҳал чопон кийгизгани ҳақидаги хабарни ўқигандаёқ мен ҳам бу муборак гўшаларга боришни юрагимга тугиб қўйган эдим.

Лекин минг афсусли, мен борганимда, Михаил Шолохов вафот этган эди. 24 май — унинг туғилган куни эди. Унга бераман деб олган алвон гулларимни энди ёзувчининг қабрига қўйдим. Сўнг бир ҳафта шу ерларда қолиб кетдим.

Менинг Ростов-Дон шаҳридаги ҳарбий хизматимни тугатиб, Ўзбекистонга бориш ўрнига суюкли ёзувчимни излаб, бу ерларга келганимни эшитган Григорий Мелеховдек жасур казак ўғлонлари ва Натальядек соҳибжамол Дон қизлари атрофида парвона эдилар.

Вешенская станицадаги ана шу бир ҳафталик бетакорр ва унутилмас сафарим махсули ўлароқ дунёга келган "Шолохов Ватанида" номи хотирапаримни Одил Ёқубов "Сталин ва Шолохов муносабатлари" рўки остида "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида чоп этган эди.

Бу менинг Ўзбекистондаги энг нуфузли газетада эълон қилинган биринчи — жиддий ва салмоқли мақолам эди.

Айтиш мумкинки, Одил Ёқубов шу мақола билан эндигина ҳарбий хизматни ўтаб, ўз юртига қайтиб келган, ҳали ҳеч қим танимаган бир йигитни оммага танитган, ўзбек журналистикасига "Исмаат Хушев" деган китоблик бир йигит қириб келаётганини эл-юртга маълум қилган эди...

3. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси обрў-эътибори охиб бориши бараварида унинг бош муҳаррири Одил Ёқубовнинг ҳам халқ орасидаги нуфузи бениҳоя ортиб борарди.

Адабиёт газетаси обуначилари сони миллионлардан охиб кетди. Ижодкорлар учун бу газетада ўз ичидини эълон қилиш, журналистлар учун эса шу нашрда ишлаш мезоси бахт ва саодат, мислсиз обрў ва эътибор мезонига айланди.

Кўп ўтмай, Одил Ёқубов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раис бўлиб қўтарилиб кетди. У кишининг ўрнига эса бахти қулган инсонлардан бири — Аҳмадjon Мелибоев бош муҳаррир бўлиб қўтарилиб келди.

Ана шундай шонли ва суронли кунларнинг бирида, мен тонг ва ё не бахти, Исмаат Хушевга ҳам бир муддат ана шу улуғ ва муборак даргоҳ — Адабиёт газетасида журналист бўлиб ишлаш бахти насиб этди...

4. Аҳмадjon Мелибоевни мен ўшанда илк бора қўриб, танидим.

У киши ниҳоятда самимий ва олийжаноб инсон эдилар. Адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров у кишининг биринчи ўринбосари эди. Биз уларнинг ҳар иккаловини ҳам ўзимизга устоз деб билганимиз.

ҲУДУДЛАРДА

Мамлакатимизда жамиятнинг кўзгуси саналган журналистика соҳасини тубдан такомиллаштиришга, соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса Янги Ўзбекистоннинг янгилаётган оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ҳамкасбларимиздан замонга ҳаммадан равишда уйғоқ қалб, теран тафаккур билан ишлашни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими томонидан ўтган 2021-2025 йиллар давомида уюшма аъзолари ва журналистларни қўллаб-қувватлаш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда вилоятимиздаги мавжуд 34 та газета-журнал, 3 та телевидение ва радио ҳамда 4 та интернет сайти фаолият юритмоқда. Олий Мажлис хузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (ҳозирги Олий Мажлис хузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди) томонидан эълон қилинган республика ва унинг ҳудудий грант танловларида ўтган 5 йилда "Халқ йўли", "Тиббиёт ва ҳаёт", "Жануб қўёши", "Сурхон овози", "Давр мезони", "Олтин воҳа" каби газеталар, "Муаллим" журнали,

ҚАЛБИ ДАРЁ,
САМИМИЙ ИНСОН

(Бу ўйлар таниқли публицист-адиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аҳмадjon Мелибоевнинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан бундан 10 йил аввал ёзилган)

Маматқул Ҳазратқулов, Маҳмуд Саъдий, Ёқубjon Жўраббердиев, Мурод Абдуллаев, Камол Матқубов, Рашид Раулов, Ашурли Жўраев, Нафиса Нўмонова, Мухаббат Туробова, Гулчехра Умарова, Дилором Исмоилова, Абдунаби Ҳайдаров, Абдумўмин Тилолов, Карим Бахриев, Беқул Эгамқулов, Иброт Сафоев, Асрор Мўминнов ва бошқалар шу икки устоз раҳбарлигида бир оила аъзоларидай иноқлик ва қувноқликда ижод қиларди.

Аҳмадjon ака ҳеч қачон бировнинг кўнглини қолдирмасди, ноҳақ ранжитмасди. Қадди-қомати келишган, истараси иссиқ, аския ва ҳазилга ўч, айна пайтда оғир, бошиқ ва мулоҳазали раҳбар эдилар.

У кишидаги камтарлик ва камсўқумлик бошқа жуда кўп бош муҳаррирларда йўқ эди...

5. Аҳмадjon Мелибоев Адабиёт газетасига бош муҳаррирлик қилган дастлабки йилларида Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси эмас эди. Ҳолбуки, газета Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг нашри бўлиб, унга раҳбар бўлишни жуда кўп ёзувчилар оруз қиларди.

Адабиёт оламидаги ана ўша "туруҳбоъ"ларнинг таъсирига берилибми, билмадим, бир гал уюшма йиғилишларининг бирида Аҳмадjon акани танқид қилиб, у кишига ташлаиб қолганим:

— Шунча истеъдодли ёзувчилар турган бир пайтда, ҳали ҳатто уюшма аъзоси ҳам бўлмаган бу кишининг Адабиёт газетасига раҳбар бўлиб келиши нотўғри бўлган... — деб уялмай-нетмай "нутқ" сўзлаганим.

Ҳолбуки, ўтган қатор йиллар Аҳмадjon Мелибоев Адабиёт газетасига баъзи бир манаман деган ёзувчилардан ҳам, уюшма аъзоси бўлган айрим алломалардан ҳам кўра ўн қарра, ўз қарра дурустроқ ва афзалроқ раҳбарлик қилганини исботлади...

6. Кейин тақдир экан, Ислом ака боис омадим қолиб, ўзим ҳам кўтарилиб кетдим.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 1990 йил 5 январь сонидан "Янги нашрларимиз" рўки остида янги лавозимдаги Исмаат Хушевнинг "Авал иқтисод..." номи мақоласи эълон қилинади.

Шунда Аҳмадjon Мелибоев барча гина-қудуратларни унутиб, чин юракдан менга оқ йўл тиланган эди:

Редакциядан олова: *"Газетамизнинг соблик муҳбири, фаол журналист, Номус ўргилари", "Иффаат керакми?", "Ижодкорга ҳурмат шуми?", "Маҳкумалар", "Прокурорни қандай қўла туширишди?" сингари қўллаб-қувватлаш маънавий мавзудаги мақолалар ва фелетонлар муаллифи И.Хушевни янги журнални нашр этишга жалб этилганлиги билан муштарийларимиз номидан самимий қўллаб-қувватлаш."*

(**"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 1990 йил 5 январь сонидан**). Шундай қилиб, "Ҳаёт ва иқтисод" журнаliga бош муҳаррир бўлиб беш йил ишладим.

Лекин бирор киши мени: "Иқтисодни тушунмаган бу одам нега "Иқтисод" журнаliga раҳбарлик қилади?" — деб гапирмади, танқид қилмади. Ҳолбуки, танқид қилиши, худди мен бир пайтлар Аҳмадjon акага нисбатан қилган лўттибоз-

ликни қилиши, мени ранжитиши ҳам мумкин эди. Назаримда, мени бу лавозимга шахсан Ислом Каримов кўтаргани учун ҳам мени аяшган, аярамай аникроқ айтсам, истиқола қилишган, кўнглимга қарашган бўлса керак.

Лекин мен Аҳмадjon аканинг кўнглига қарамадим, у кишини хафа қилиб қўйишим мумкин деб ўйламадим. Шақоқлик ва худбинлик қилдим.

Бу дунёда бировларнинг кўнглини бировларнинг ивсосига ўчиб оғритмаслик лозимлигини жуда кеч англаб етдим.

Лекин Аҳмадjon ака менга нисбатан бирор марта ҳам ёмонлик қилмади, гина сақламади, "мени бир пайтлар ноҳақ танқид қилган эдинг", деб ҳеч қачон юзимга солмади...

7. Аҳрор Аҳмедов деган ношир дўстим бор.

Аҳмадjon Мелибоев билан бир жойдан — Олабуқадан. Тошкентда кўпчилик уларни ака-ука деб ўйлайди. Лекин аслида бундай эмас, улар бир қишлоқдан, холос.

Бир гал Аҳрор мени ўз юртига меҳмонга таклиф қилди. Ушанда эндигина қамқондан чиқиб, ишсиз ва руҳсиз юрган кўнглим эди. Кўнгли ярим, бир айланиб, ҳаво алмаштириб, юрагини ёзиб келди, деб ўйланган, чоғи.

Аҳрорнинг азиз ва меҳрибон ота-онаси, оила аъзолари билан кўришиб, уларникида меҳмон бўлганимизда, юзларидан нур ёғилиб турган, оппоқ соқоллари ўзига ниҳоятда ярашган хизрси-фат бир мўйсафид киши билан танишдим.

У киши Аҳмадjon Мелибоевнинг акалари экан. Улар оилада беш ака-ука бўлиб, Аҳмадjon Мелибоев уларнинг кенжаси экан. Иқтисод фанлари доктори, профессор Одилjon Олимжонов ҳам Қирғизистоннинг Наманганга туташ Олабуқасидан.

Бир ҳафта давомида улар бизни роса меҳмон қилишди. Ноҳақ ҳибс боис шикаста бўлган ва яраланган ўқик дилимга малҳам бўлишди.

Ушанда Олабуқадан Тошкентга қайтар эканман, Аҳмадjon акадай меҳриғиё, бағри дарё инсонни бир пайтлар ноҳақ ранжитганим учун ичидимдан қаттиқ изтироб чекдим...

8. Бугун ўйлаб қарасам, Аҳмадjon акага ёшлик ва гўрлик қилган пайтларим кўп бўлган экан. Бу эҳтимом, менинг Адабиёт газетасида мўкин ишламаганим билан боғлиқ бўлса керак. Мен тахририятда вақтинча ишга олинган бўлиб, доимий ишга ўтказиш масаласида бош муҳаррир билан орамизда қора мушук ўтган эди.

Мен ҳаммиша "вақтинча" ишлайдиган ходим бўлиб қолишни истамасдим. Аҳмадjon ака эса мени "доимий" қилиб ишга олишга шошилмасди. Кейинчалик ўзим бош муҳаррир бўлиб билдимки, раҳбар одам кимни қайси ишга олишни, бировларнинг тайиқисис, ўзи хал қилгани маъқул экан.

Яна шуни билдимки, бир жамоада ишлагандан кейин, ҳар хил гуруҳлар таъсирига берилмай, ўз раҳбаринга қулқоқ солиб — одобли ва эътиборли, хушмуомала бўлиб ишлаш керак экан.

Масалан, мен ўзим бош муҳаррир бўлган жамоада бирорта ҳам ходимнинг ўзимга нисбатан шақоқлик қилишига йўл ҳам қўймадим, изн ҳам бермадим. Бундай хатти-ҳаракатларни сезган заҳоти, сўраб-нейтиб ўтирмай, уларни ўша заҳотиёқ ишдан ҳайдаб юборганим.

9. Менинг ана шу бежилов мулозимлик шашти ва қатағоним олдида Аҳмадjon Мелибоев юз қарра, минг қарра бағри кенг ва тоқатли, хур фикрли ва демократик раҳбар эканлар...

9. Аҳмадjon аканинг қўлларида ишлаганимда йўл қўйган хатоларим кўп бўлган. Кўйидаги воқеа ҳам ана шу "аламзадалик"нинг навбатдаги кўриниши бўлса, ажаб эмас. Аҳмадjon Мелибоев "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасига бош муҳаррир бўлганларида Собирjon ака исми тошкентлик ҳайдовчилари бўларди. Устоз оқ рангдаги "ТА3-31" русумли "Волга"да юрарди.

Редакцияда навбатчиликда қолган ходимларни ярим тунда бош муҳаррирнинг хизмат машинаси уйларига олиб бориб қўярди.

Биз Собирjon ака билан жуда иноқ эдик. Бир гал у кишининг Аҳмадjon акадан ранжиб қолганини эшитдим. Бош муҳаррирни шошилинч Президент девонига чақириб қолишганида Собирjon ака йўловчи ташиб, қира қилиб юрган экан.

Ўз вақтида боролмагани учун Девондан гап эшитган Аҳмадjon ака ўз ўрнида Собирjon акани койиган. Ҳолбуки, у киши узоқ йиллардан бунён тахририятда ишлаган, Одил Ёқубовни ҳам олиб юрган.

Шунда мен: "Ранжиманг, ака, ҳали ўзим бош муҳаррир бўлиб келсам, истаганча вақт бераман, қира ишлаб оласиз", деб Собирjon аканинг кўнглини кўтарганим.

Фариштон "Омин" деган экан, юқорида ёзганимдек, кун келиб мен ҳам қўтарилиб кетдим. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасига эмас, балки "Ҳаёт ва иқтисод" журнаliga раҳбар бўлдим. Бир кун Собирjon ака хузурига келиб қолди. Ўша ҳазил аралаш айтган гапимни эслатди. Қарасам, жиддий айтаяпти.

Кейин ўша ваъдамағна биноан у кишини ишга олдим.

Аҳмадjon акадан сўрамадим ҳам...

10. Бугун Тошкентдаги бош муҳаррирлик лавозимларининг бир нечасини қўриб, матбуотга беармон раҳбарлик қилиб, энди серҳаяжонли ва шовқин-суронли ҳаётимнинг маълум бир "истанца"сига келиб тўхтадим.

Энди бир қадар тинчиб қолган "Канада" номи умрим бекатидан туриб, Ўзбекистонда ўтган ўтловли йўлларимга назар соларканман, йўл қўйган хато ва камчиликларим яқоқ қўзга ташланади.

Аҳмадjon Мелибоевни Ёзувчилар уюшмаси йиғилишида маънан ҳаққим бўлмаётган, ноҳақ танқид қилганим учун, у кишидан сўрамай-нетмай ҳайдовчиларини ишга олганим учун, ёшлик ва бебошлигим учун мудом ўзимни айбдор сезаман, хижолат чекаман...

11. Бугун Тошкентдаги ҳамкасб дўстларимдан бири билан гаплашиб қолдим.

Аҳмадjon аканинг етмиш ёшга тўлишини, келаси шанба кун Тошкентдаги муҳташам ресторанларнинг бирида шу сана боис ширин бир тадбир бўлишини билдим.

XXI асрда интернет олами инсоният учун яратган афсонавий имкониятлардан бири шуки, ҳозир бир сўз айтсангиз ё ёсангиз, бири дақиқа ичида

12. Бугун Аҳмадjon ака Ўзбекистон Миллий университетига ўқитувчиси, биз бир пайтлар ўқиган журналистика факультетида "Матбуот" кафедраси мудири.

Мен бугун олис Канададан туриб, университетда Аҳмадjon Мелибоев қўлида тахсил олаётган, ўқитган талабаларга ҳавас қиламан. Уларнинг ўрнида ўзимни, ўт-оловли ёшлигимни қўргандай бўламан. Улар ўзларига насиб этган бу иқбол ва толе қадрига етишларини истайман.

Аҳмадjon акадай улуғ ва ҳайратомуз инсонлар билан ҳамсуҳбат ва замондод ишларнинг энг олий бахти эканини ўз вақтида шу олий саодат қадрига етмаган муҳожир журналист номидан эслатиб ўтмоқчиман.

"Етмишга ҳам тўлиб қўйибмиз", — деб ўқисини юрган, Аҳмадjon ака. Сиз ҳали ҳам қирқ ёшдаги қирчиллама йигитдай янги наҳор ва қурқаман.

Доим шундай бўлиб қолинг, илоҳим...

13. Исмаат ХУШЕВ, "Дунё ўзбеклари" интернет нашри бош муҳаррири.

Торонто шаҳри, Канада. 2016 йил 14 март, яқшанба.

14. рақда юзлаб талабалар, уюшмаган ёшлар, журналистикага қизиқувчи ёшлар билим ва тажрибаларини оширишди. Эътиборлиси, иштирокчилар орасидан ҳозирда оммавий ахборот воситаларида самарали фаолият олиб бораётган қўллаб-қувватлаш маънавий мавзусидаги кўнглимиз чидки.

Ёш журналистлар ва соҳада фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам ўз билим ва тажрибаларини янада ошириш мақсадида чет давлатларида малака ошириб қайтишмоқда. Уюшманинг вилоят бўлими мутахассиси Мастура Ҳамроева Европанинг Латвия давлатига ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ва Балтика журналистик тадқиқот маркази лойиҳаси доирасида медиатурда иштирок этди.

Унда Рига шаҳридаги "STOCKHOLM" бизнес мактабида малака ошириб, хорижий интернет нашрлари, телевидение ва радиоси тажрибаларини ўрганиб қайтди.

Кувончлиси, узоқ йиллик орузларимиз ижобати ўлароқ 2024 йилда Термиз давлат университетида журналистика йўналиши очилди. Бу эса ҳудудда ОАВ соҳасида билимли кадрлар қўллашга йўналиш берди.

Ассосийси, соҳамизни замонга хос ва мос тарзда ривожлантириш ҳамда тизим ходимларини қўллаб-қувватлашни ўз олдимишга устувор мақсад қилиб белгилаб олганимиз.

15. Чори ЖУМАҚУЛОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими раиси.

16. Ушунингдек, Сурхондарё телерадиокомпанияси қўшидаги "Янги аср" радиоси жамоаси ҳам "Олтин қалам" Миллий мукофоти қолиби бўлишди. "Атиргул" танловида вилоятда фаолият олиб бораётган журналист Феруза Раҳмонқулова "Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси энг яхши ёритилган материаллари учун" номинациясида қолиб деб топилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Уюшмага келиб тўшаётган муурожаатларни ижобий ҳал этиш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Биргина 2022 йилда Уюшманинг ҳудудий бўлими тавсияси асосида Т.Қобилов, И.Шомиров, С.Норқобилов, М.Жабборов, М.Тўраев каби ўндан ортик матбуот ва ОАВ вакиллари арзонлаштирилган нарҳларда, имтиёзли кредит асосида Термиз шаҳридаги "Гулстун" маҳалласида бунёд этилган кўп қаватли уйлardan янги хонадонлар берилди.

Уюшма аъзолари сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2020 йилда уюшма аъзолари сони 69 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда аъзоларимиз сони 100 нафарга яқинлашди.

Устоз журналистларга муносиб шогирдлар тайёрлаш мақсадида Уюшма қошида "Ёш журналистлар" тўраги ташкил қилинган бўлиб, мазкур тўра-

17. рақда юзлаб талабалар, уюшмаган ёшлар, журналистикага қизиқувчи ёшлар билим ва тажрибаларини оширишди. Эътиборлиси, иштирокчилар орасидан ҳозирда оммавий ахборот воситаларида самарали фаолият олиб бораётган қўллаб-қувватлаш маънавий мавзусидаги кўнглимиз чидки.

Ёш журналистлар ва соҳада фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам ўз билим ва тажрибаларини янада ошириш мақсадида чет давлатларида малака ошириб қайтишмоқда. Уюшманинг вилоят бўлими мутахассиси Мастура Ҳамроева Европанинг Латвия давлатига ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ва Балтика журналистик тадқиқот маркази лойиҳаси доирасида медиатурда иштирок этди.

Унда Рига шаҳридаги "STOCKHOLM" бизнес мактабида малака ошириб, хорижий интернет нашрлари, телевидение ва радиоси тажрибаларини ўрганиб қайтди.

Кувончлиси, узоқ йиллик орузларимиз ижобати ўлароқ 2024 йилда Термиз давлат университетида журналистика йўналиши очилди. Бу эса ҳудудда ОАВ соҳасида билимли кадрлар қўллашга йўналиш берди.

Ассосийси, соҳамизни замонга хос ва мос тарзда ривожлантириш ҳамда тизим ходимларини қўллаб-қувватлашни ўз олдимишга устувор мақсад қилиб белгилаб олганимиз.

18. Чори ЖУМАҚУЛОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими раиси.

ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ ТАРАҚҚИЁТИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ҲАМ БОҒЛИК

ёки Камолiddин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Тасвирий санъат инсоният цивилизациясининг энг қадимий ва таъсирчан ифода воситаларидан бири сифатида инсон тафаккури, ҳис-туйғулари ва борлиққа муносабатини бадий образлар орқали намоён этади. Рассомлик, ҳайкалтарошлик, графика, маҳобатли ва декоратив санъат турлари орқали жамиятнинг маънавий ҳолати, тарихий тараққиёти ва маданий қиёфаси шаклланади. Тасвирий санъат нафақат эстетик қадрият, балки ижтимоий онгни шакллантирувчи ва авлодлар ўртасида маънавий меросни узвий боғловчи муҳим механизм ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, Камолiddин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолияти нафақат олий таълим тизимининг муҳим бўғини, балки миллий санъатни ривожлантириш, уни илмий асослаш ва халқаро миқёсда тарғиб этишга хизмат қилувчи комплекс институционал модель сифатида намоён бўлмоқда.

Институт фаолиятида таълим жараёни билан бир қаторда талабаларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш масаласига ҳам устувор аҳамият қаратилмоқда. Шу мақсадда талабалар яшайдиган ижара хоналарида ўтказилаётган ўрганишлар амалий аҳамият касб этмоқда. Хусусан, институт раҳбарияти бошчилигида ташкил этилган ташрифлар давомида талабаларнинг яшаш шароити, моддий таъминоти ва кундалик эҳтиёжлари атрофида таҳлил қилинмоқда. Беvosита мулоқот жараёнида уларнинг муаммолари ва тақлифлари тингланб, ижара яшовчи талабалар учун мавжуд имтиёзлардан самарали фойдаланиш бўйича тушунтиришлар берилмоқда. Бу эса талабаларнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг таълим жараёнига бўлган эътиборини кучайтириш ва мотивациясини оширишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Глобаллашув жараёнлари кучайиб бораёт-



рининг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Камолiddин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти мамлакатимизда тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик ва музейшунослик соҳаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган етакчи илмий-таълим муассасаси сифатида фаолият юритмоқда. Институт ўз фаолиятида таълим, илмий тадқиқот ва ижодий амалиётни уйғунлаштирган ҳолда миллий санъат мактабини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда санъат ва маданият соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлат раҳбарининг тасвирий ва амалий санъатни янада ривожлантиришга қаратилган қарори соҳада тизимли ўзгаришларни амалга ошириш учун мустақам ҳуқуқий асос яратди. Ушбу қарор доирасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, халқаро ҳамкорлини кенгайтириш ва

жлантиришга қаратилган усуллар кенг қўлланилади. Натижада битирувчилар нафақат миллий, балки халқаро меҳнат бозорида ҳам рақобатбардош мутахассисларга айланади.

Олий таълим ўчоғида илмий салоҳиятни ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий таълимдан кейинги таълим тизими самарали ташкил этилган бўлиб, санъатшунослик йўналишида илмий изланишлар олиб бориш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Иختисослаштирилган диссертация кенгашининг фаолияти илмий кадрлар тайёрлаш тизимини мустақамлашга хизмат қилмоқда. Профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва ёш тадқиқотчиларнинг илмий ишларини халқаро журналларда чоп этиш орқали миллий илмий мактабнинг нуфузи оширилмоқда.

Шу билан бирга, институтиимизда ижодий фаолиятни илмий фаолият билан интеграция қилишга қаратилган янги ёндашувлар жорий этилган. Жумладан, юксак бадий савияда яратилган ижодий асарларни монографияга тенглаштириш амалиёти йўлга қўйилди. Бу ижодкор педагогларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларнинг илмий даража ва унвонларга эришиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Ушбу ёндашув амалий санъатнинг илмий аҳамиятини ошириш билан бирга, ижодий изланишларни рағбатлантиради.

Бундан ташқари, институтида ташқи ўриндошлик асосида фаолият юритаётган, илмий даража ва унвонга эга ижодкор педагог кадрлар (асосий иш жойи бошқа олий таълим муассасалари бўлган ходимлар бундан мустасно) муассасанинг илмий салоҳиятини баҳолашда инobatга олинади. Бу ёндашув илмий ва кадрлар салоҳиятини мустақамлаш, юқори малакали мутахассисларни таълим жараёнига жалб этиш ҳамда ўқув фаолияти сифатини оширишга хизмат қилади. Шу орқали ижод ва фан соҳасида танилган тажрибали кадрларни институт фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш имкони яратилади. Натижада муассаса ўз кадрлар базасини кучайтириб, илмий-ижодий салоҳиятини оширган ҳолда халқаро рейтингларда юқори кўрсаткичларга эришиш учун зарур шарт-шароитларни шакллантиради.

Кадрлар тайёрлаш тизимида амалга оширилаётган яна бир муҳим янгилик — битирувчиларга умумтаълим мактабларида фаолият юритиш имкониятининг берилишидир. Психология ва педагогика фанларини ўзлаштирган бакалаврлар ва магистратура битирувчиларига тасвирий санъат фанидан дарс бериш ҳуқуқи берилиши ёш мутахассисларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса таълим тизимида санъат фанларининг ўрни ва аҳамиятини янада оширади.

Давлат томонидан ижодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш механизмлари ҳам изчил такомиллаштирилмоқда. Ижтимоий соҳа объектлари қурилишида бадий ишлар учун маблағ ажратиш, давлат буюртмаси асосида тематик асарлар яратиш тизимининг жорий этилиши ижодкорлар учун янги имкониятлар яратади. "Янги Ўзбекистон манзаралари", "Буюк алломалар" ва "Замон қахрамонлари" каби лойиҳалар миллий ғоя ва қадриятларни тарғиб этишда муҳим ўрин тутади.

Институтиимиз ҳузурида ташкил этилган замонавий кўргазмалар зали таълим ва ижодий жараёнларни интеграция қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу маскан талабалар, педагоглар ва мустакил ижодкорлар учун очик платформа бўлиб, турли кўргазмалар, ижодий учрашувлар ва илмий-амалий тадбирлар ўтказиш имконини беради. Кўргазмалар залида яратилган замонавий инфратузилма асарларни профессионал даражада намойиш этиш, уларни кенг аудиторияга етказиш ҳамда эстетик таъ-



сирчанликни кучайтириш имконини беради. Ёруғлик тизими, экспозиция жойлаштириш имкониятлари ва техник жиҳозлар ижодий ишлар мазмунини тўлиқ очиб беришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Бадий академияси академиклари асарлари билан бошланган илк кўргазма миллий санъат мактабининг давомийлигини таъминлаш, устоз-шогирд аъёнларини мустақамлаш ва ёш истеъодларни қўллаб-қувватлашда муҳим қадам бўлди. Шу билан бирга, кўргазмалар зали ёш ижодкорларнинг ўз асарларини намойиш этиши, тажриба алмашиши ва профессионал муҳитда ўзини синаб кўриши учун қулай имконият яратади. Бу эса уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш, бадий дидини шакллантириш ва миллий ҳамда жазон санъати аъёнларига уйғунлашган ҳолда янги изланишларга рағбатлан-

жлантириш ва тажриба алмашиш имкониятларини кенгайтиради.

Замонавий санъат тараққиёти рақамли технологиялар билан чамбарчас боғлиқ. Рақамли графика, "3D" моделлаштириш, анимация ва мультимедиа санъати каби йўналишларнинг ривожланиши таълим жараёнига ҳам янги талаблар қўймоқда. Институтда ушбу технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш орқали талабаларнинг инновацион фикрлаши ва креатив салоҳияти ривожлантирилмоқда.

Алқисса, тасвирий ва амалий санъатни ривожлантириш мамлакатнинг маданий нуфузини ошириш, миллий меросни асраш ва уни жазон ҳамжамиятига тақдим этишда стратегик аҳамиятга эга. Бу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, таълим тизимидаги янгиланишлар, келажакда юқори малакали,



ган ҳозирги даврда миллий санъатни асраш ва ривожлантириш масаласи алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Замонавий ахборот технологиялари, рақамли платформалар ва янги медиа воситалари санъатнинг янги шакллари юзага келтирмоқда. Шу билан бирга, аънавий санъат турларини замонавий талаблар асосида қайта талқин қилиш, уларни халқаро маданий маконда тарғиб этиш муҳим вазифалардан бирига айланмоқда.

Бу жараёнларда олий таълим муассасалар-

инновацион технологияларни жорий этиш каби устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Хусусан, 2026-2027 ўқув йилидан бошлаб институтида жазоннинг етакчи олий таълим муассасалари стандартларига мос келувчи янги таълим дастурлари жорий этилиши режалаштирилган. Бу дастурлар талабаларга замонавий билим ва кўникмаларни халқаро мезонлар асосида эгаллаш имконини беради. Таълим жараёнида амалий машғулотлар, лойиҳа асосида ўқитиш, креатив фикрлашни риво-



тиради. Умуман олганда, мазкур кўргазмалар зали институт ҳаётида муҳим маданий-маърифий марказ бўлиб, таълим, илмий изланиш ва ижодий фаолиятни уйғунлаштирувчи самарали платформа сифатида хизмат қилмоқда.

Халқаро ҳамкорлик ҳам институт фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Профессор-ўқитувчиларнинг хорижий олий таълим муассасалари, музейлар ва галереяларда малака ошириши, қўшма илмий ва ижодий лойиҳаларда иштирок этиши миллий санъатни жазон миқёсида тарғиб этишга хизмат қилади. Бу эса маданий мулоқотни риво-

ижодий ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади.

Камолiddин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ахли ушбу вазифаларни чуқур англаган ҳолда, миллий санъатни янада юксалтириш, унинг халқаро нуфузини ошириш ва замонавий ижодий мактабни шакллантириш йўлида изчил фаолият олиб боради.

Омонулла САЛИХОВ,
Камолiddин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн
институти ректори.




ЖАҲОН ШЕҲРИЯТИ

Ҳайдарбобога салом

(Достон)

Муҳаммад Хусайн ШАҲРИЁР



Муаллиф ҳақида:
Муҳаммад Хусайн ШАҲРИЁР – 1906 йилда Табризда туғилган. 1988 йил 18 сентябрда вафот этган. Шоир форс, озарбайжон тилларида ижод қилган. Унинг асарлари чуқур лирик, фалсафий ва ихтимомий мазмун касб этади.

Ҳайдарбобо, кўкда чақмоқ қаққанда,
Селлар тошиб, тўлқин уриб оққанда,
Қизлар турнақатор туриб боққанда,
Салом бўлсин шавкатингиз, элингизга,
Менинг номим келсин дейман тилингизга.

Тошли булоқ қум-қурумга тўлмасин,
Боғу роғлар сарғаймасин, сўлмасин,
Йўловчига сув тут, ташна бўлмасин,
Булоқ, хайринг бўлса, мангу оқарсан,
Уфқларга хумор-хумор боқарсан.

Ҳайдарбобо, сув бўйида ялпизлар,
Буй таратар ҳандалаклар, тарвузлар,
Аттор сотиб келган сақич, қанд-қурслар,
Мазасини ҳис қилиб шод этарман,
Мен бой берган ўтмишим ёд этарман.

Чашмам тиниб, чироқларим синдилар,
Оқибатсиз кун чўқди, оқшом бўлди,
Менга дунё харобаи Шом бўлди.

Ҳайдарбобо, какликларинг учганда,
Бутазорда қуён хуркиб қочганда,
Боғчаларинг қийғос гунча очганда,
Мумкин бўлса, бизларни бир ёд этинг,
Ғамга ботган кўнгилларни шод этинг.

Ҳайдарбобо, тоғу тоши, дараси,
Каклик сайрар, жўрдир жўжахўрози,
Кўзиларинг оқи, қора, оласи,
Сайр қилардим кир-адирлар юзини,
Куйлар эдим "Чўпон, қайтар кўзини".

Байрам эди, тун нағмасин ўқирди,
Қиз қувёга майин жулоб тўқирди,
Мўридан ҳар ошиқ рўмол сўғурди,
Қандай гўзал, ёр дилини чоғламоқ,
Белбоғига ҳақясини боғламоқ.

Ҳайдарбобо, кўннинг юзи туманли,
Кечар кунлар, аримайди ёмонлиғ,
Бирдам бўлинг, бошда бўлсин омонлиғ,
Яхшиликни элимиздан олибди,
Ёмон кунни бошимизга солибди.

Шамол туриб, уй томларин йиққанда,
Бойчечаклар, қўзигуллар чиққанда,
Оқ булутлар ҳўл куйлагин сиққанда,
Бизни эслаб, ёд этганлар соғ бўлсин,
Қайғуда ҳам унсин, юрак тоғ бўлсин!

Ҳайдарбобо, сув сизар ер остидан,
Ҳавза бўлар сой бўйларин пастида,
Нилуфарғул сузар сувнинг устида,
Суву қушлар келиб сувда кечарлар,
Хузурланиб, булоқдан сув ичарлар.

Рўмол истаб мен ҳам уйда йиғладим,
Рўмол олиб тез белимга боғладим,
Ғулломларнинг томидан шол ташладим,
Фотма хола менга жулоб боғлади,
Хон энамни эсга олиб йиғлади.

Канот қоқиб чиқайдим тўлқинлардан,
Сўрардим тоғ ошган тошқинлардан,
Дардлашардим тутиб маҳкам қўллардан,
Бир кўрардим айрилиқни ким солди?
Улкамизда ким қирилди, ким қолди?

Ҳайдарбобо, мева пишсин офтоб тус,
Юзинг қулсин, булоқларинг очсин кўз,
Болаларинг гул ундирсин бир нафис,
Хуш бўйини ел келтирса муқаррар,
Шунда менинг мудроқ бахтим уйғонар.

Пичан ғамлар, сунбул ўрар ўроқлар,
Шамол гўё зулфларини тароқлар,
Овчилар қув беданани тузоқлар,
Ўримчилар айрон куйиб ичарлар,
Кучга тўлиб сўнг ўримга тушарлар.

Байрам бўлиб, деворга зар суварлар,
Қашта ёйиб, хоналарни безарлар,
Тоқчаларда идишларин тузарлар,
Келинчакнинг сандиқчаси, хиноси,
Ҳавасларна онаси, қайнонаси.

Мен сендек алп тоққа бердим нафасим,
Сен ҳам қайтар, садо берсин овозинг,
Бойқушинг ҳам тор бўлмасин қафаси,
Бунда бир шер наъра тортиб, ўрлагай,
Бағри қаттиқ одамларни чорлагай.

Ҳайдарбобо, юзинг ёруғ, пок бўлсин,
Тўрт тарафинг булоқ бўлсин, боғ бўлсин,
Биздан кейин сенинг бошинг соғ бўлсин,
Ахир ҳаёт ўткинчидир, келар бир,
Фақат дунё қолар, мангу етимдир.

Ҳайдарбобо, қишлоқда кун ботганда,
Болаларинг ризиқни еб, ётганда,
Ой булутни ёриб, ойдин боққанда,
Сен уларга биз ҳақда бир қисса де,
Қиссамизнинг бош-адоғин ғусса, де.

Боқуликнинг миш-миш тўла ҳар сўзи,
Сигирларнинг оғиз сути, увизи,
Чоршанбанинг ёнғоқлари, майизи,
Қизлар айтар: "Атил-матил, чоршанба,
Ойнадайн бахтим очил, чоршанба".

Ҳайдарбобо, танга ғайрат етганида,
Қорақушлар бошингни тарк этганида,
Тошлар кулаб, ёвузликлар битганида,
Назар ташла, химматин шу онда кўр,
Бир эгилиб, қоматимни дорда кўр.

Ҳайдарбобо, борай дедим, кечикдим,
Умрим ўтди йўллар айри, ичикдим.
Билолмамид, сенинг ҳолинг нечүқдир,
Билмас эдим, ўнқир-чўнқир йўлим бор,
Йўқотиш бор, айрилиқ бор, ўлим бор.

Кекса момом матал айтиб берганда,
Бехос шамол деразани чертганда,
Улоқчани бурй ямлаб ютганда,
Орта қайтиб бола бўлиб қолардим,
Бир гул очиб, сўнгра яна сўлардим.

Тухумларни турфа ранга бўярдик,
Чўқиштириб, синганини еярдик,
Бола-бақра, ўйнаб қачон тўярдик?
Али менга яшил ошиқ берарди,
Ирзо менга бойчечаклар терарди.

Ҳайдарбобо, доим дилинг шод бўлсин,
Ҳаёт борки, оғзинг тиш-ла тот бўлсин,
Сендан ўтган таниш бўлсин, ёд бўлсин:
Тингла дегин, шоир ўғлим Шаҳриёр,
Бир умрдир ғам устига ғам қалар.

Ҳайдарбобо, марднинг боши ҳам бўлмас,
Ҳаёт ўтар, афсус, ғам бекам бўлмас,
Номард киши умридан хуррам бўлмас,
Илло, ёдда тутамиз бу сўзларни,
Кўришмасак, алқаб кўйгин бизларни.

Аммажоним бол-қаймоғин еярдим,
Ундан туриб уст-бошимни киярдим,
Боғ ораляб, қўшиқ айтиб келардим,
Воҳ, талтайиб даврон сурган кунларим,
Чўп отимни "чўх"лаб юрган кунларим.

Ҳайдарбобо, Момоқизнинг кўзлари,
Раҳшанданинг ширин-ширин сўзлари,
Туркча айтдим, ўқисинлар ўзлари,
Билиб қўйсин, одам кетар, ном қолар,
Яхши-ёмон оғизда бир таъм қолар.

Ҳайдарбобо, келдим сени йўқлайтиб,
Кучоғингда бир дам ором, уйку топиб,
Ўтган умрим ортидан мен чолиб-чолиб,
Болаликка дерман: бизга келсанг бир,
Ойдин кунлар, мунгли юзга қулсанг бир!

Куз шамоли япроқларни тўққанда,
Булут тоғдан эниб, қишлоқ кезганда,
Шайхул Ислому ғўзал хониш қилганда,
Майин сўзлар қалб кўрига тегадди,
Дарахтлар ҳам саждага бош эгарди.

Ҳайдарбобо, тўй дарага тутганда,
Қиз-жувонлар хиная, пилик сотганда,
Йигит қизга томдан олма отганда,
Шу қизларда қолган менинг нигоҳим,
Ошиқларнинг созларида дод-оҳим.

Ҳайдарбобо, дунё ёлғон дунёдир,
Сулаймондан, Нуҳдан қолган дунёдир,
Ўғил туққан, дардга ботган дунёдир,
Бирни бериб, бирни қайтиб олгондир,
Афлотундан қуруқ бир от қолгондир.

Ҳайдарбобо, ҳар тепа бир қўшқ бўлсин,
Биздан кейин қолганларга хуш бўлсин,
Кечмишимиз авлодларга куч бўлсин,
Фарзандлар ҳеч иймонидан тонмасин,
Ёлгонларга учмасин, алданмасин!

Озар тилидан
Фахриддин ҲАЙИТ таржима қилди.

Шол! — рўмол. Удума кўра, унаштирилган қизларга кўёе уй мўрисида рўмол узатади. Қиз йигит ташлаган рўмолга ҳаёй боғлайди.

МУТОЛАА

Ижод, илҳом Яратганнинг инсонга берган энг бебаҳо неъматларидан бири. Кимдир уни юракларга етиб борувчи мисраларга тизса, кимдир ҳикматларга жойлайди, яна кимдир катта асарлар билан қалбларга етказишга интилади.

Анджоннинг суюкли шоираси Замира Рўзиеванинг бир-бирдан жозибали, мазмундор шеърларини ўқиганимизда, сўзни эркалатиб ишлатувчи ижодкор, деган фикрга келасиз. Чунки сиз ёки мен учун оддий туйилган сўзлардан ширин титроқ берувчи ғўзал ашъорлар битида. Айниқса, Ватанин мадҳ этувчи шеърларида бунга яққол кўрамыз:

*Куртак қўрдим намчил ёғоч ёриқларда,
Рўхум қўшиқ симиради ариқларда.
Сир яшайди бобом кийган чорикларда,
Ухшашини йўқ, эй, она юрт,
она тупроқ.*

Шоирамиз асли ижод оламига журналистика орқали кириб келгани боис, энг биринчи СУЗини мана шу касбига йўналтирган ва ҳамон ана шу аҳдига содик. Бунининг мамлакат миқёсидаги қўллаб вақтли матбуот нашрлари орқали ёритиб келаётган публицистик мақолаларида кўрамыз. Бошқача айтганда, Замира Рўзиева шоира бўлиш баробарида яхшигина ёзувчи ҳамдир. Бунга мисол унинг 2025 йилда "Ижод нашр" томонидан чоп этилган "Кул босган чўғлар" асари.

Ушбу асарнинг эътиборли жиҳати — тўпلامнинг ота-онасига бағишланганлиги. Зеро, ҳар биримиз бу ҳаётда нимадир топган, нимагадир эришган бўлсак, мўътабар, меҳрибон, жон фидо ота-оналаримизни тўфайлидир. Уларга қанча ахтиром, эъзоз кўрсатсак, шунча оз, ташбеҳига сўз кам.

Шу маънода Замира Рўзиева ота-онаси хотираси олдида фарзандлик бурчини бажариши баробарида, ижодкор сифатида уларнинг ҳаётини қаламга олиб, асарга айлантира олган.

Асар сизни узоқ тарихга етаклаб, унинг инсонлар тақдирларидаги аччиқ ҳақиқатлари — укубат, сарсонгарчилик, айрилиқ, соғина, дийдорга ташналик, ёлғон ва хиёнатли сиёсатнинг қурбонларига ачинаши, ҳамдардлик ҳиссиётларига фарқ қилади.

Эътиборлики, нафақат Замира Рўзиеванинг, балки қўллаб юртдошларимизнинг ақиқатлари ўтган асарнинг қатагон даврларида мана шундай аччиқ қисматга рўпара бўлдилар, кимгадир яшаш бахти насиб этмади, кимдир сургунда, кимдир қамонда ва яна кимдир қочқинда... Булар бизнинг кенгаги қонли тарихимиз. Ва афсуски, Замира Рўзиеванинг бобо-бувиси, ота-онаси ана шу ҳаётнинг иштирокчилари бўлиб яшаши мажбур эдилар.

Муаллиф қисса бошиданок ўқувчини ўша давр руҳиятига олиб киради. Беихтиёр саҳифадан саҳифага ўтган сари гоҳ Қори дадага айланиб, гоҳ кичкина Боқия

КЎНГИЛ БИТИКЛАРИ

Таниқли шоира ва публицист Замира РЎЗИЕВАНинг “Кул босган чўғлар” ва “Гавҳар янглиғ гўшалар” китобларини ўқиб...

хон, гоҳида эса Абдулазиз бўлиб яшай болайсиз. Хавотир қалбингизни тўлдирадди. Уларни ҳимоя қилгиниз, аянчли қисматлардан олиб қочингиз келади.

Бир муддат "тут қоқди" маросими билан кўнглингиз юмшаб, кўни-қўшниларга айланиб, шодланасиз. Шундай ғўзал удуи иштирокчиси бўлгиниз келади. Аммо... Бир лаҳзалик қувонч чекиниб, яна ғамгинлик қалбингизга чўқади.

Муаллиф ота-онаси қисматини очиб бериш баробарида, ўша давр сиёсатининг чиркин томонларини ҳам усталик билан синдириб кетади.

"Россияга "ўз ихтиёри" билан қўшилган пайтда Ўзбекистон аҳолисининг бор-

билан кўнглидаги маҳзунликни тарқатади. Яъни йиллар ўтиб, ўз юртидан қочиб, ўзга юртларда, аниқроғи, Саудия Арабистониде кўним топган мусофирларнинг авлодлари ва ниҳоят, мустакиллик шарофати ва мамлакатимизда диний бағрикенглик неъматлари туфайли Маккага Мадинага борди-келдилар орқали топишади, учрашувлар ҳар икки юртдаги қариндошлар риштасини боғлайди. Демак, аждодларнинг руҳи ҳам шод бўлгани ҳақиқат.

Ушбу тўпلامдаги "Дарёдил муаллимим" эссеи мухлисларда яна бошқача бир таассурот қолдиради. Сабаби, Замира Рўзиева ўзи ҳақидаги камчилиги нуқсонларни очиб-ойдин, рўйирос баён қилиш орқали қайнонаси ҳақида жудаям чиройли таърифларни ишлатган. Шунинг учун ҳам эссе ўқиниб, қизиқарли, ибратли чиққан. Айниқса, ҳар воқеадан кейин "дарёмидингиз, осмондингиз, ноёб фазилатли муаллимим?" дея Чаманхон бувини таърифлаши ёр келинларгагина эмас, ҳатто қайноналарга ҳам намуна, ўрнак. Ижодкор раҳматли қайнонасини бу тарзда эслаб, хотирлаб, асарига қаҳрамон сайлаш билан қалбидеги жами миннатдорлик туйғуларини ғўзал очиб бера олгани ниҳоятда аҳамиятли. Қолаверса, ўша давр оналарининг бағрикенг, қўли очик, раҳмдил, меҳрибон, оқибатли эканини Чаманхон она тимсолдида кўрсатар экан, биз тенги мухлислар ширин антиқши билан хотирага берилди. Чунки бизнинг оналаримиз ҳам ана шундай кенг феълли, дастурхонимо дарвозаси ҳаммиша очик, меҳмондўст, қўшини қариндошдай қадрлайдиган инсонлар эди. Шу маънода эссеи ўқиб баробарида ширин соғиниш туйғулари ҳам бош кўтаргани бор ҳақиқат. Бу шоира-адиба ва албатта, "қарқара келин" Замира Рўзиева қаламининг кучидир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоира, ширинсўз воиз, элнинг сеvimли фарзанди Турсуноյ Содиқова ҳақидаги "Жондўстим эдилар" хотираномаси ҳам дилни энтиқтиради. Негаки, Турсуноյ Содиқова устозимиз, шоирами, маслаҳатдошимиз ва оламиз эди. Бу жиҳатдан Замира Рўзиева ўзи таърифлаганидек, ростдан ҳам "омадлироқ шоғирд, дўст" бўла олган экан.

Хотира бошидаги муаллифнинг Ойиша бувиси айтган ибора ўзгача таъсир қилди, яъни "дўстнинг хили кўп, ким шондўст, ким нондўст, ким жондўст бўлади". Қаранг, қарияларимиз қанчалар доно, ақли бў-



лишган. Замира Рўзиева маҳорати айнан мана шу каби инсон руҳиятига тезда таъсир қиладиган иборалар, мисралар, нақл ва ўғитларни асарларида ўрнида ишлата олгани. "Жондўст" деб устозни ўзгача ахтиром билан эъозлаши хотираинг янада ўқилиши чиқишини таъминлаган.

Озгина ва соғина ёзилган ушбу хотирада ҳар икки ижодкорнинг шоиралиги ва адибалиги, нотиклиги тарғиботчилиги мўғуллашиб, устоз-шоғирд тандемнинг уй-ваффақиятли давом этгани аксланади. Яъни гарчи Турсуноյ Содиқова бугун орамизда бўлмаса-да, унинг ўғитлари, тажрибаларини ўзлаштириб улгурган, "қаерда, қандай минбарда қайси сўз ёки шеърни айтиш" ҳадисини олган Замира Рўзиевани ҳозирги вақтда тадбирларда дам шоира, дам ватанпарварликка руҳлантурувчи фидойи юртдош, дам яхшиларнинг ахшиликларини улашувчи воиза сифатида кўрамыз, фахрланамиз.

Бугина эмас, Замира Рўзиева "Саодат" дек мамлакат хотин-қизларининг бош журналида катта устоз қизикарли чиққан. Ўз даврининг энг машур инсон, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним назарига тушиш, уларнинг ёрдами билан Тошкентда қолиш ва энг катта ижод даргоҳи — "Саодат"да ишлаш ҳар кимга ҳам насиб қилма-

гани бор гап. Бу борада Замира Рўзиева омадли бўлган, десак, муболага эмас. Бунинг биргина сабаби эса Қалам ва Сўз. Демакки, Замира Рўзиева талабалик давриданок устозлар эътиборини тарта олади-ган, халққа манзур мақола, устозлар ва мухлислар кўнглини қитқилай оладиган шеърлар ёза олган. Айнан шунинг учун ҳам катта даргаларнинг назарига тушган. Улар ёш ниҳолнинг ўсишига бағрикенглик билан кўл чўзган ва Замира Рўзиева бу ишончли ижоди билан оқлай олган.

Катта мактабнинг муносиб ўқувчиси, айниқса, Зулфияхонимни шифохонага кўргани боргани ҳақидаги саргузаштини ўқиб, муаллифнинг соддалиги ва албатта, Зулфияхонимнинг ниҳоятда зийрак, қузатувчан, ёшлар ҳаётини яхши биладиган ва тушунадиган, кибрисиз, самимий, киши кўнглига тегмайдиган тарзда унга елка тутта оладиган УЛУҒ УСТОЗ бўлганига тасанно, дегингиз келади. Замира Рўзиева оидий йўлини "Саодат" билан бошланганини "бахтим" дея жуда тўғри таърифлаган. Қолаверса, у ўз хотираси орқали Зулфияхонимнинг фазилатларини ғўзал тарзда очиб бера олган.

Умуман олганда, ушбу тўплам Замира Рўзиеванинг кўнгли битиклари десак, адашмаймиз. Чунки тилга олинган қисса ва эсселарнинг қаҳрамони ўзи, шахсий хотираларини сизу биз билан баҳам кўрган.

Тўпلامнинг якунидаги "Замонамиз қаҳрамони" мақоласи муаллифнинг иккинчи китобига замин бўлган, деган фикрдаман. Сабаби, 2025 йилнинг куз ойида унинг "Гавҳар янглиғ гўшалар" китоби нашрдан чиқди. Унда ўлтиздан зиёд пиру бадавлат оила соҳиблари — замондошларимизнинг ҳаётларидан жуда ғўзал ҳикояларни тақдим этади. Тўплам Замира Рўзиеванинг қалами ҳамон ёзишдан тўхтамаётгани, эътиборлики, Республика "Нуроний" жағғармаси муассислигида чиқадиган "Нуроний" газетасининг муҳбири сифатида мамлакатимизнинг барча худудларидан "дурлар" териб, саҳифаларни бойитиб келаётганидан далолат.

Китобнинг номиеқ кайфиятингизни кўтаради, шоирона атама ила Анджондан Қорақалпоқча, Тошкентдан Сурхонху Қашқадарё, Хоразмга, Сирдарёдан ошиб Жиззах, ундан Самарқанд Бухоро сари қаламмини етказга олгани, ибратли оилалар ҳақида қизиқарли мақолалар — ўзи улуг ёшда бўлса-да, шижоат билан ижод қилаётганига мисол.



*Сиз бор, кўнгли ярим эмас,
Мулк, давлатим, тилло, зарим,
Ризку файза тўлиқларим,
Сиз нуруний — улугларим!*

дея алқайди пиру бадавлат отахону онахонлари. Мен эса ушбу сатрлар ижодкорнинг ўзига ҳам мослигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Қаҳрамонлар ҳаётини ўқир экансиз, ҳар биридан ўзига хос тартиб-қоида, оила анъаналари, фарзанд тарбиясидаги услублардан хабардор бўлиш, қайсибир бириддан муомала, қайсибир бириддан эса бағрикенглик, саховатлилик, оқибат ришталарини мустаҳкамлаш силрларни ўрганасиз. Ҳаёт мактабининг катта устозлари бўлган бу ҳамюртларимизни Замира Рўзиева мақоласига беҳиз танламаганига иқдор бўласиз. Улуғнорлик Қодиржон ака, яқкаболик Мухторжон ота, арнасоийлик тарихчи Низом бобо, қорақалпоқлик Исмомил ота, ховослик Хуринисо она, хулпас, ҳар бир оила соҳиб ва соҳибларининг ҳаёт тарзлари ҳавас қилишга арзийди. Албатта, ҳар оила ўзига хос макон. Аммо атрофни кузатиб, бошқалардан ўрганиб, камини тўлдириш ҳаммиша фойдалидир. Шу маънода иккинчи китоб ҳам ҳақиқий маънода "гавҳар янглиғ гўшалар" тароватини Янги Ўзбекистон узра таратиб, уларнинг сафини янада қўлайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлишига ишонамиз.

Ва серқирра, сермахмур ижодкор, публицист сифатида Замира Рўзиева келгусида яна қўллаб оилаларнинг меҳмони бўлиб, уларни янги асарларига қаҳрамон сайлашларига тилақдошимиз.

Мухтасар айтганда, Замира Рўзиеванинг ҳар икки китоби нафақат кутубхоналардан, балки инсонлар қалбидан жой оладиган ижод маҳсуллари бўлгани билан эътибор топади.

Салимахон МИРЗАЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси,
филология фанлари доктори,
профессор.

ДИЛГА ЯҚИН СУХҲАТЛАР

Ўтган пайшанба куни таниқли адиб Хуршид Дўстмухаммад, биродарларимиз Саид Сиддиқов, Ҳабиб Темир тўртовимиз Иброҳим ака Ғафуровни йўқлаб хонадонига бордик. Соғинишган эканмиз, бир-бирларимизни кўриб, ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Ҳақиқий адабиётшунос хонадони. Зеро, устоз Иброҳим Ғафуровнинг ўзини ҳам, уйини ҳам китобсиз тасаввур қилиб бўлмайдими.

Устоз ҳордиқ олиб ўтирган жойда — кўлузатар жойда китоблар, китоблар: Қуръони каримдан Алишер Навоийгача, мумтоз адабиётимиз намуналаридан, жаҳон адабиёти, бугунги кун ўзбек адабиётига — ҳаммаси бор. Демак, Иброҳим ака ўқияпти, демак, камиди 80 йилдан буён китоб мутолаасини инсон умрининг жавҳари, бегази ва мазмуни деб билган мутафаккир зиёли файзли ёшида, андак саломатлик “эркалик” қилаётган кунларда ҳам китобга, мутолаага, демак, муттасил фикрлашга ошно!



КИТОБЛАР БИЛАН ОШНОЛИКДА

ёхуд Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим ҒАФУРОВ хузурда

Устоз ҳаммамиздан алоҳида-алоҳида ҳол-ахвол сўради.

— Зухриддин ака Исомиддинов ҳам бирга келиши керак эди, шомлолаб қолибди, лекин салом айтиб юборди, — дедим Иброҳим акага юзланиб.

— Саломат бўлишини, Дилмуроджон, сиз билан анчадан бери кўришмадик, — деганида бироз хижолат бўлдим. Кекса инсонни бетоблигида кўпм бевозта қилмайн деган юз-хотирга борибман-да...

Иброҳим ака ҳамроҳимиз — фан номзоди Саиджон Сиддиқовнинг бир неча йил муқаддам чоп этилган “Устоз сиймолар” номли китобидан сўз очди: — Қаранг, собиқ Алоҳа институтида шу-унча катта олимлар бўлишган экан, ҳаммалари залворли зиёли кишилар. Миллатнинг фахри-ифтихори улар. Саиджон уларнинг хурмати жойига қўйиб хотирлабди, яхши ёзибди, хурсанд бўлдим.

Иброҳим ака қалбларга таъсир этувчи яхши сўзни топиб айтди.

Саид ака беғубор, қалби адабиётга ошно инсон. Шунинг учун ҳам у биз ижодкорлар билан яқин. У мақтовдан кейин эриб кетди. Ўтирган стулини Иброҳим акага яқинроққа суриб олди.

Бундан 71 йил аввал ташкил этилган Тошкент электротехника алоқа институти (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети)да нафақат Ўзбекистонга, Марказий Осиёнинг барча республикаларига малакали муҳандислар тайёрлаб беришгани, китобда олимлар Анвар Исломов, Марат Зоҳидов, Шокир Тожибоев, Хайрулло Арипов ва бошқа олимлар ҳақида маълумотлар борлиги ҳақида гапирди.

Зиёли кишиларимизнинг борлиги нечоғли катта маънавий мулк — маънавий бойлик ҳисобланган, уларни ёддан чиқармаслик, улар яратган ва қолдирган меросни асраб-авайлаш, оммалаштириш шунчалар аҳамиятлидир.

Устознинг ёнбошида турган Василий Аксёновнинг қаламига мансуб “Негатив” китоби даврани адабиётга, ўтган асрнинг 60-йиллар авлоди бўлмиш қатор-қатор атоқли номлар томон тортди.

— Ўтган асрнинг 60-йиллар авлодида мансуб қатор шоир, ёзувчи, адабиётшунослар бўлган. Катаев, Евтушенко, мана бу Аксёнов... “Шестидесятники” деб тилга олинди. Кўпгина ўзбек ижодкорларининг тафаккури ушларнинг асарлари билан чархланган.

— “Шестидесятники” деган сўз фақат ўша бир тоифа ижодкорларнинг ёшини эмас, балки уларнинг руҳи, қарашлари, ҳаётий қадриятлари ва маслакларини ифодалаган. Шундай эмасми?

Ҳабиб Темир масалани бу тарзда қўйгани устозга ёқди.

— Тўғри, — деди Иброҳим ака янаям жонланиб, — Манделштам, Солженицин, Каверин, Сахаровгача — қачон тутилганидан, ёшидан қатъи назар, ўша “олтмишвойлар” руҳи атрофида бирлашган.

— Баbelнинг ҳикояларини ўқидим, — деди Хуршид ака.

— У-у, Баbel — ўзича бир дунё!

— Тили, тасвирлаш услуби жуда тилиқ экан. Шуккур Холмизраев жиддий ўқиган кўринади Баbelни.

— Исаак Баbel, — аниқлик киритди Ҳабиб Темир.

— Шуккур ўқиган, албатта... Ғалати услубда ёзади, дастлаб ҳарбийда хизмат қилган... — илова қилдилар мезбонимиз.

Хуршид ака Фёдор Достоевскийнинг “Айрилмас эр” қиссаси ва у билан боғлиқ таассуротларини ўртоқлашга кетди.

— Икки йил илгари шу қисса ҳақида суҳбатлашганим, ўшанда сиз қисса таржимасини тугатган эдингиз, — деди Хуршид Дўстмухаммад Иброҳим акага қарата, — ўшандан буён ушбу мавзудаги бир неча асарларни ўқидим. Флорбернинг “Бовари хоним”, Толстойнинг “Анна Каренина”, Тургеневнинг “Провинциалка” драмасы, Лесковнинг “Леда Макбет...” ҳикояси.

— “Миценского уезда”, — дея аниқлик киритди Ҳабиб Темир.

— Ҳаммаси оилавий садоқат ва хиёнат мавзусига бағишланган. Шуларнинг ўқиш асносида бир савол қилиб қолди. “Провинциальные нравы”, “Провинциалка” сўзларининг ўзбекча

муқобили топилмаган кўринади. Масалан, “Бовари хоним”ни таржима қилган Ҳабиба Зиёхонова роман номлаши остида келадиган шу иборани тушириб қолдирган. Гўё сўзнинг таржимасига қийналгандек.

Иброҳим акадек таржима устаси бир зум ўйланади қолди.

— Тажрибадан маълум, айрим сўзларнинг аниқ ва лўнда таржимаси топилмайди. “Провинциалка” ҳам шунга ўхшаш. Мисол учун “мешчан” деган сўз бор.

Университет давридаги китобларни қайтадан ўқиб, ўша пайтларни эспаялман.

Устоз кўринишидан соғлиқлари бироқ қийнаётганга ўхшамасди, тетик, фикрлар, хотира аниқ ва тилиқ. Шундай бўлса-да, меҳмонлар ўзаро имошиора қилиб, туришга чоғланишди.

— Қаерга шошасизлар? Мен жуда яхшиман, сизлар билан бемалол гурунглашиб ўтирибмиз.

Ҳақиқатда улуг мезбонимиз — адабиётшунос ва моҳир таржимон Иброҳим ака мана шундай суҳбатни соғингани сезилиб турарди. Жиддийлашиб кетган суҳбатни пича “юмшатиш” келдими, Хуршид ака маҳоратини ишга солиб, Саид Аҳмад, Ваҳоб Рўзиматов, Носир Фозил иштирокида юз берган кўнгли мутойибалардан олди. Даврада қаҳқаҳа янгради, устозимиз эса мириқиб, бутун вужуди силтаниб узо-оқ қолди.

Тўртовлон меҳмоннинг таширифидан мудоао ҳам шу — Иброҳим Ғафуров устознинг вақтини пича бўлса-да чоғ этиш эди.

— Майли, ҳаммагизга раҳмат, Хуршиджон дуо қилсин.

Хуршид ака дуога қўл очди:

“Устозимизнинг умрлари узоқ бўлсин, бизларга дуоғуй бўлиб юрсин”. “Инсонларнинг яхшиси амали гўзал бўлгандир”, деган гап ёдимга тушди. Ҳа, яхши амаллар билан узоқ яшаган инсон бахтли-саодатлидир. Устоз Иброҳим Ғафуров ҳам шундай улуглар сирасидандир.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВЕ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ЎЙЛАР



Шу кунларда узоқ йиллар эсламаган, хотирамдан ўчиб кетмаётган баъзи воқеалар хаёлимда тикланыпти. Шу аснода ўша воқеалардан яна янги мазмун-моҳият, жоиз бўлса, ҳикмат топялман. Ота-оналаримиз ҳурматига сазовор бўлган буюк инсонлар қолдирган маънавий-маданий мерос йиллар ўтса-да, ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотмаганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламан. Чин ижод ва чин одаимийлик уйғунлигидаги меҳнат маҳсулининг қадри ҳар доим баланд бўлишига, тилдан-тилга, қалбдан-қалбга ўтиб, авлодлар оша ашайвершишга амин бўлганам. Ана шундай ҳис-туйғулар мени ўша хотираларни сиз билан ҳам бўлишига ундади.

Қишлоғимизда бир ёш йигит бўларди. У доим тўйларда ичиб, жанжал чиқарар, муштлашиб чарчамагунча уйига қайтмасди. Бобом қишлоқдаги тўй-маъракаларга бош бўладиган оқсоқол бўлгани сабабли бир кун уйимизга овулнинг қадхударларини йигди, ўша йигитни ҳам чақирди. Мақсад унга панд-насихат қилиш, керак бўлса, танобини тортиб қўйиш эди. Бир яхши гап билан унга тушунтиришга ҳаракат қилса, иккинчиси аччиқроқ гапириб қойирди. Шунда йигилганлардан бири:

— Комилжон аканинг қўшиғини эшитмаганмисан? — деди унга қараб.

Ҳар йигитнинг аспин билан десангиз, Маъракада ўтириб туришингиз.

— Ҳа, шундай деган у киши. Сен тўй-маъракалардаги юриш-туришнинг қилиқларинг билган бутун қишлоқда шарманда бўлялсан-ку, ташқаридан келган меҳмонлар олдида қишлоғимизнинг ҳам обрўсини тўқясан.

Бу гапга бошқалар ҳам қўшилди. Шу икки сатр атрофида қанча гаплар айтілди. Охири йигит бошини эганча, ўзга-ришга ваъда бериб чиқиб кетди.

Тўғриси, ҳали ёш бола бўлсам-да, бу сўзларни мен ҳам кўп эшитгандим. Айниқса, шўҳ, безори ўғил болаларга нисбатан, уларга одоб бериш мақсадида айтіларди. Бу сатрлар Махтумқулга тегишли эканини кимдир билар, кимдир билмас эди-ю, лекин Комилжон Отаниёзов айтганини ҳамма биларди.

Аслида, кўп болали, кам-кўстимиз ҳам шунга яраша оила эдик. Фақат отам қассоблик қилгани учун ош-овқатимиз шохона бўлмасаями, ғарибона ҳам эмасди. Бир кун онам дастурхонга ун ошим (оддий сувага ургани қайнатиб, қатик билан аралаштириб ичладиган таом) олиб келди. Болалар ҳаммамиз бир четга тизилиб, афтимизни буриштирганча дастурхонга қайрилиб ҳам қарамасдан ўтиравердик. Шунда отам ёнимизга келди-да:

— Комилжон аканинг бир қўшиғи бор. — деди. Кейин:

Оталиқнинг молин боқдим баҳорда, Узи турмай уйғотади саҳарда, Пиширган ошлари қўзига ёшндай, Чақмоқ тош нонини берар наҳорда, — дея киргойи қилдилар шу қўшиқни.

— Чақмоқ тошдай қаттиқ, тишингни синдирадиган нонни ейиш осони, қўзинг ёшдаги овқатни ичиб бўладими? Лекин очлик, йўқчиликда шунга мажбур бўлишган. Комилжон ака ана шуни қўшиқ қилиб айтган, — деди ва ўзи дастурхоннинг бошига бориб ўтириб, овқатга қўл узатди. Отаниёзовнинг бу гапларидан сўнг беихтиёр барчамиз дастурхон атрофида тизилдик. Тўғриси, ана шу овқат бизга жуда ширин туюлганда ўшанда. Уша-ўша ун ошини яхши кўраман...

Ҳар кун кечкурун соат саккиз ёки тўққизларда эди, адашмасам, Хоразм телеканалдан Қаландар бахши Ёрматовнинг дostonлар ижросидаги концерти бериларди. Уни бутун

оила жамулжам бўлиб томоша қилардик. Ҳаммамизнинг нигоҳимиз экранга қадалар, гоҳ Бозиргон таърифи, гоҳ Гурўглининг мардлиги, ошқ Ғарибнинг садоқатли муҳаббати, Шоҳсанамнинг гўзаллиги баён этиладиган дostonларни биримиз бобомнинг тизасига, биримиз отаниёзовнинг тизасига суянганимизча жон қўлогимиз билан тинглардик. Аммо бахши дostonнинг энг қизиқ жойига келганида тўхташиб, томошабинлар билан хайрлашарди. “Ошқ Ғариб торини қўлга олиб, Шоҳсанамга шундай деган экан”, деган жойида тўхтаб қолган дostonнинг давомини эшитиш учун “Ғариб Шоҳсанамга нима деган экан?” деган хабар билан эртаси кун кечкурунги вақтни ошиқиб кутардик. Ҳар бир ўғил ўша дostonлардагидек алп, ботир, кўрқмас бўлишга, ҳар бир қиз ундаги маликалардек гўзаллик ва ақл-фаросатни ўзида муржаасан этишга ҳаракат қиларди.

Етти-саккиз ёшларда эдим. Отажон Худойшукуров қишлоғимизга суннат тўйга келди. Тўй қилаётган оила ўта камбағал, узоқ йиллар фарзандсизликдан кейин кўрган ўғлига эл-улус кўмаги билан “қурли” тўй қилишга кайин эди. Тўйга бош бўлаётган бобомнинг кечаси ҳаллослаб келгани, “Юр, сенга Отажондан дуо олиб бераман”, деб мени уйдан олиб чиқиб, гоҳ кўтариб, гоҳ етаклаб олиб боргани ҳеч эсимдан чиқмайди. Кенг далада одамлар доира шаклида давра бўлиб ўтирар, уртада гулхан ёниб турар, ҳофиз давра бўйлаб айланаб қўшиқ айтарди. Шу тобда унинг овози бутун қишлоғимизга эшитилиб турарди. Даврани айланаб бўлгач, у ёнимизга келди-да, тиззасини букиб олдимга ўтирди. “Шу қизчами айтган набиранингиз?” деди бобомга. Демак, бобом унга набирани олиб келаман, деб айтган эканлар-да.

— Ҳа, ўғлим, шу набираним бир дуо қилган, илоҳим, сизлардай мартабали бўлиб юрсин, — деди бобом унга илтижоли қараб. Отажон Худойшукуров чин дилдан дуо қилди ва ёнида турган катта тугдандан бир рўмонли тортиб олиб, елкамга ўради. У рўмоннинг номини бизда “сачоқли матр” дейишарди.

Тўйнинг эртасига нонушта пайтида бобом Отажон Худойшукуров тўйда тушган пуллар-у матоларни уй эгасига қолдирганини, камбағал, етим-есирларга тарқатиб берганини, ҳофизнинг ҳар бир ибратомуз сўзи-ю, хатти-ҳаракатини тинмасдан гапирар, “илми зиёда бўлсин”, “умри зиёда бўлсин” деб дуо қиларди. Кейин билсам, ҳофиз менга берган рўмонлидан тўйга борган онахонлар, қизлар, келинчақларнинг кўпига тарқатган экан. Бутун қишлоқ ахли нафақат унинг қўшиқлари, балки инсонийлиги, саҳийлиги, суҳбатига бўлганлар ақл-заковатини анча пайтагача айтиб юришди.

Энг қизиғи, биз томонларда ҳали-ҳануз Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров каби санъаткорларнинг у ёки бу давралардаги суҳбатларда айтган мақоласифат, доно сўзларини эслашарди. Демак, улар қўйган, ўрганган, энг муҳими, халққа айтадиган сўзни ўйлаб, ақл чигиригидан ўтказиб айтишган.

Хуллас, биз қўшиқ орқали ҳикмат эшитиб, санъат орқали маънавийни, маърифатни англаб, хоншилари кўнглиларни забт этган ҳофизларимиз тимсолида инсонийлик, мукаммаллик ва комиллиқни кўриб, шунга қараб ўзимизни ўнглаб улғайган эканмиз, деган хулосага келаялман шу кунларда.

Бу билан бутун ундок, бугун мундоқ демокча эмасман. Фақат ҳозирги ёш авлоднинг ҳам йиллар ўтиб, бир улуг ёшга етганида эл-улусга, набираларига ўз давридаги санъат, маънавий муҳит ва жамият ҳақида ҳис-ҳаяжон, гурур ва ифтихорга тўлиб айтадиган илиқ хотиралари кўп бўлишини истайман.

Назира МАТЯҚУБОВА, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист.

“ЯШИЛ” ТАҚДИРЛАР ТУТАШГАН НУҚТА:

ИҚЛИМ ИНҚИРОЗИГА ҚАРШИ МИНТАҚАВИЙ ҲАМЖИХАТЛИК

1-6

Бу — яқин келажақда сув танқислиги ва чўлланши жараёни кучайишидан дарак бермоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда экологик барқарорликни шакллантириш бўйича аниқ мақсадли ва тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Халқаро ҳамжамият ва нуфузли нашрлар, хусусан, Қозғистоннинг “Казинформ” агентлиги Ўзбекистоннинг бундай экологик ташаббусларини юқори баҳоламоқда. Агентликнинг қайд этишича, мамлакатимиз “яшил” иқтисодиётга ўтишда қуруқ баёноتلардан амалий натижаларга ўтганини қўйидаги рақамлар ҳам исботлайди:

“Яшил макон” лойиҳаси доирасида қарийб 1 миллиард тул даракт ва бута экилди. Бу — худудларда микроклимни яхшилаш ва ҳаво сифатини ошириш йўлидаги улкан қадамдир.

Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектардан ортиқ майдонда ўрмонзорлар барпо этилиб, янги “яшил белбоғ” лар яратилмоқда. Бу заҳарли тул ва қум бўронларини жиповлаш бўйича дунёдаги энг ийрик экологик амалиёт сифатида тан олинди.

Сувни тежаш борасидаги кенг қўламли саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистонда йилига 10 миллиард куб метр сув иқтисод қилинмоқда.

Генерация қувватларида “яшил” энергетика улуши алақачон 30 фоизга етди, жорий ўн йилликнинг охирига бо-

риб эса 50 фоиздан ошади. Ўзбекистон Париж битими бўйича зарарли чиқиндиларни 35 фоизга камайтириш мажбуриятини мuddатидан олдин бажарди ва ўз олдида янги мақсад — уларни 2035 йилгача икки баробар қисқартириш вазифасини қўйди.

Чиқиндилардан энергия ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар фаол амалга оширилмоқда. Жорий йилда чиқиндиларни ёқиб бўйича иккита янги завод ишга туширилади, яна 9 таси эса келгуси икки йил давомида фаолиятини бошлайди. Уларнинг ишга туширилиши ҳар йили 5,5 миллион тонна чиқиндини утилизация қилиш, 2,2 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш, шунингдек, чиқиндилар ҳажмини 1 миллион тоннадан ортиқча қисқартириш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари Минтақавий экологик саммитдаги нутқида минтақавий муаммоларни ҳал этишнинг янги ва самарали механизмларини илгари сурди. Хусусан, “Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси” давлатлараро консорциумини ташкил этиш ва технологик ўтиш жараёнларини тезлаштириш учун “Марказий Осиё яшил савдо йўли”ни шакллантириш гоялари иқтисодий ривожланишни экологик барқарорлик билан уйғунлаштиришга қаратилган.

Президентимизнинг “Марказий Осиё иқлим лойиҳаларининг ягона инвестиция портфелини яратиш кейинги қадам бўлиши керак. Бу бизга тарқоқ ташаббуслар билан эмас, балки минтақани ривожлантириш бўйича яхлит стратегия билан ҳаракат қилиш имконини беради” деган

фиқрлари ҳам халқро ҳамжамият томонидан илиқ қарши олинди. Шунингдек, саммитда давлатимиз раҳбари томонидан Марказий Осиё атроф-муҳитидаги ўзгаришларнинг ягона минтақавий атласини яратиш, биологик хилма-хилликни сақлаш учун “Марказий Осиё Қизил китоби”ни биргаликда ишлаб чиқиш тақлифи илгари сурилди. Бу қадамлар келгусидаги қарорларнинг илмий асосланган бўлишини таъминлайди.

Қисқа қилиб айтганда, экологик хавф-хатарлар чегара билмайди ва миллий чегараларда тўхтаб қолмайди. Шу боис Марказий Осиё давлатларининг “Барқарор кела-жақ учун умумий нигоҳ” деган бош ғояси атрофида жиповлашиши тарихий заруратдир. Ўзбекистон бу жараёнда муаммонинг ечимини кўрсатиб бевучи ишончли ҳамкор сифатида намоён бўлмоқда.

Минтақавий экологик саммитда таъкидланганидек, иқлим инқирози глобал муаммо бўлишига қарамай, унинг ечимини аввало минтақавий ҳамжиҳатлик ва аниқ амалий қадамларга боғлиқ. Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги ташаббусларини нафақат миллий, балки минтақавий барқарорликка хизмат қилмоқда. Илгари сурилган янги механизмлар ва ҳамкорлик форматлари эса тарқоқ ҳаракатлар ўрнига яхлит стратегия асосида иш юритишга замин яратди.

Гулзайнаб ЗУҲАЙДАРОВА, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бош мутахассиси.

RES 2026 REGIONAL ECOLOGICAL SUMMIT. Includes an illustration of people participating in an environmental activity and text about the summit's goals.